Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг газетаси

14 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА № 72 (577). 1993 йил.

Сотувда эркин нархда.

АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ МАҚСАДИДА РЕСПУБЛИКАМИЗДА ҲАР КИЛОГРАММИ ДАВЛАТГА 1205 СЎМДАН ТУШАЁТГАН ЧОЙ 135 СЎМДАН СОТИЛМОҚДА, АММО...

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

13 апрель куни Термизда халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Ҳаким Бердиев бошқа ишга ўтгани муносабати билан, аризасига биноан вилоят ҳокими вазифасидан, Мамаюсуф Холбоев бошқа ишга ўтгани муносабати билан ҳокимнинг биринчи муовини вазифасидан озод қилинди.

Жарқўрғон тумани ҳокими бўлиб ишлаб келган Жўра Норалиев вилоят ҳокими, Термиз тумани ҳокими бўлиб ишлаётган Жовбўри Абдулҳакимов ҳокимнинг биринчи муовини этиб тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сессияда нутқ сўзлади.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Мавлон Умурзоқов, Республика вазирликлари ва идораларининг раҳбарлари қатнашдилар.

(ЎзА).

ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАР КЎРИЛДИ

Халқ депутатлари Шеробод туман кенгаши сессиясида Турғун Тошпўлатов соғлиғи ёмонлашгани сабабли аризасига мувофиқ туман ҳокими вазифасидан озод қилинди. Ҳаким Бердиев Шеробод тумани ҳокими этиб тасдиқланди.

* * *

Халқ депутатлари Денов тумани кенгашининг сессиясида Эшмурод Турдиалиев бошқа ишга ўтгани муносабати билан туман ҳокими вазифасидан озод қилинди. Сурхондарё вилоят ҳокимининг биринчи муовини бўлиб ишлаган Тилло Менглиев Денов тумани ҳокими этиб тасдиқланди.

* * *

Халқ депутатлари Термиз шаҳар кенгашининг сессиясида Қўчқор Аҳмедов бошқа ишга ўтгани муносабати билан шаҳар ҳокими вазифасидан озод қилинди. Вилоят ҳокимининг биринчи муовини бўлиб ишлаб келган Мамаюсуф Холбоев Термиз шаҳар ҳокими этиб тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков мазкур сессияларда нутқ сўзлади.

Сессиялар ишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Мавлон Умурзоқов қатнашди.

(ЎзА).

Шаҳар кенгаши сессияси

Марғилон шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессияси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Жиззах вилояти кенгашининг сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Мазкур масала юзасидан Фарғона вилоят ҳокими Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Мирзажон Исломовнинг маърузаси тингланди.

Сессияда ташкилий масала ҳам кўриб чиқилди.

Шаҳар ҳокими У. Ҳакимов иш фаолиятида хатоларга йўл қўйганлиги, кадрларни танлашдаги камчиликлари учун вазифасидан озод этилди.

Шаҳар ҳокими лавозимига илгари Фарғона вилоят давлат назорати бошқармасининг бошлиғи лавозимида ишлаган Муқимжон Жўраев тайинланганлигини шаҳар кенгаши депутатлари мамнуният билан кутиб олдилар.

Сессия қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига мурожаатнома қабул қилдилар.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

МАНАС ЭЛИДАН МЕҲМОН КЕЛДИ

● ЮНЕСКО 1995 йилни Манас йили деб эълон қилди.

ҚАРДОШ қирғиз халқининг миллий қаҳрамони Манас таваллудининг минг йиллигига тайёргарлик кўриш бошлаб юборилди. Жиззах вилояти ҳокимлигида Қирғизистоннинг Талас вилоятидан келган азиз меҳмонлар билан учрашув чоғида шу ҳақда гап борди. Манас диёридан келган биродарлар Дўстлик туманидаги Манас номли давлат хўжалиги, Бахмал ва Зомин туманларидаги қирғиз овулларида бўлишиб, меҳнаткашлар билан гурунглашдилар.

МИЛЛИЙ КИНЕМАТОГРАФИЯ МУАММОЛАРИ

ТОШКЕНТ. Ўзбекистон кинематографиячилар уюшмасида миллий кинони ривожлантириш йўллари муҳокама қилинди.

УНДА Ўзбекистон Давлат кинокомпанияси ва республикада ишлаб турган киностудиялар, ижодий бирлашмаларнинг вакиллари иштирок этишди. Молиявий муаммолар, фильмлар прокати билан боғлиқ қийинчиликлар, кинопленкалар, ускуналар, аппаратлар химикатлар билан таъминлашдаги узилишлар муҳокама этилди.

ХЎЖА НАСРИДДИН ОДАМЛАР ОРАСИДА

● БУХОРО. Адлия бошқармаси «Хўжа Насриддин» жамғармасини рўйхатга олди.

КУЛГИ инсонни бир нафас бўлса-да ғам-ташвишлардан фориғ этади. Шу мақсадда вилоятда вақти-вақти билан кулги кечалари ўтказиб туриш режалаштирилди. Шу йилнинг кузида Болгариянинг Габново шаҳридаги сингари Бухорода ҳам халқаро ҳажвчилар кўрик-танловини ўтказиш мўлжалланаяпти.

Учкўприк ноҳиясидаги Охунбоев жамоа хўжалиги аъзолари ўтган йили 31,7 ўрнига 35 центнердан пахта ҳосили йиғиштириб олишганди. Бу йил улар мавжуд 990 гектар ерга чигит қадаб, гектаридан 40 центнердан ҳосил олиш ниятида баҳорги ишларни бошлаб юбордилар. Далаларга 20 минг тонна маҳаллий ўғит чиқарилди. Хўжаликда тўлиқ биологик усул билан ишлашга ўтилди. Эндиликда зарарли кимёвий дорилардан фойдаланилмайди.

Анваржон Йўлдошев раҳбарлигидаги бригада аъзолари бу йил 55 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил олишни режалаштирмоқдалар.

СУРАТДА: бригада бошлиғи Анваржон ЙЎЛДОШЕВ.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган суръат.

ШАМА

Инглизларни дунёда чойни энг кўп истеъмол қиладиган халқ дейишади. Назаримизда буни ўзбекларнинг чойхўрлигини кўрмаган одамлар айтишганов. Йўқса бу гап чойхонада эртадан кечгача бир пиёлани айлантириб шакаргуфторлик қиладиган қарияларимизнинг дилига оғир ботишини англашлари лозим эди. Нафсиламбирини айтганда бошқа жабҳаларни билмадигу, бироқ, чой масаласида бизнинг олдимизга тушадиган миллатни қидириб овора бўласиз. Бу — исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат.

Хуллас чойхўрлик бобида жаҳон айвонининг тўри бизники эканлигига шубҳамиз йўқ. Бу томондан кўнгилни тўқ қилиб, мавзуни асосий масала — чой таъминотига бураверайлик.

Юртимизда етиштириладиган ноз-неъматларнинг саноғи, адоғи йўқ. Яратганнинг иноятига шукрки, беғубор боғ-роғлару, ям-яшил экинзорларимизда жаннати мевалар ҳаммасидан бор. Ҳа, ҳаммаси ўзимиздан чиқади, фақат... чойдан ташқариси. Эҳтимол фурсати етиб, бу бебаҳо ичимликни ҳам ўзимизда етиштира бошлармиз. Аммо, ҳозирча у четдан келтирилаяпти. Ўзбекистон Президенти ва республика ҳукуматининг тинимсиз сайъи-ҳаракатлари туфайли мураккаб иқтисодий вазиятни бошдан кечираётганимизга қарамай чойимизнинг кети узилмаётир.

Тўғри, баъзан ўлкамизнинг у ёки бу чеккасидан «Чой йўқ!» деган ташвишли хабарлар келиб туради. Аммо, холислик айтганда, бу тақчилликда ҳукумат раҳбарларини айблаш ножоиз. Республикага аҳоли эҳтиёжидан ортиқроқ маҳсулот келтирилаяпти. Божхона ходимлари 1992 йилда 11 миллион сўмлик, шу йилнинг уч ойи мобайнида эса салкам 3 миллион сўмлик республикадан ташқарига олиб кетилаётган чой маҳсулотини ушлаб қолганлар. Демак, бундай ишкаллиқларнинг илдизини маҳаллий савдо, таъминот идораларию чой қадоқлаш корхонасидан излаган маъқул.

Яқинда Давлат назорати комитети ана шундай йўл тутди. Республика аҳолисини чой билан таъминлаш ишларини яхшилаш мақсадида Самарқанд чой қадоқлаш фабрикасининг фаолияти ўрганиб чиқилди.

Аввалига бунинг ҳожати йўқдек туюлди. Нега десангиз фабрикада ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бош назоратТафтиш бошқармасининг жойлардаги вакиллари томонидан қайта-қайта тафтиш ўтказилган. Булардан ташқари 1993 йил бошида «Озиқ-овқат концерни» мутахассислари М. Абдуҳамидов, Ўринбоев, Абдуллаев, Самарқанд вилояти молиявий бошқармаси вакили М. Беляевалар томонидан ҳам корхонанинг турли соҳалари «элакдан ўтказилган». Вилоят маҳсулот сифатини назорат қилиш инспекция ходимлари Исомиддинов, Прокофьевлар ҳам бу ишдан четда қолмаганлар. Бундай катта хашардан сўнг фабрика баҳор ёмғиридан сўнгги манзара каби чиннидек мусаффоланиб, молия, меҳнат интизоми, маҳсулот сифати сингари асосий кўрсаткичлар борасида муайян тартиб ўрнатилиши аниқ деган ўйда эдик.

Афсуски, дастлабки кузатувлар мобайнида биз шошилиброқ хулоса чиқарганимизга иқрор бўлдик. Кейинги текширишлар ва тафтишлар натижаси ҳеч ерда муҳокама қилинмаган, устига устак айрим тафтишлар юмшоқроқ айтганда «юзаки» ўтказилган. Текширувчиларнинг мана шундай ўз таъбирлари билан айтганда, «арзимаган» масъулиятсизлиги эса одатда давлатга ва фақат давлатга лак-лак зарар етказмоқда. Шундай қилиб, баъзан тафтишчиларнинг ғайриқонуний ишларни аниқлашгани ва бу борада йўл қўйишган хатоларини адолат торозисида тортиб кўриш билан шуғулланишга тўғри келади. Ваҳоланки, тафтишчи — (у қайси идора ёки ташкилот вакили бўлмасин) ҳамиша давлат манфаатини муҳофаза этувчи ҳалолу поқиза етук мутахассис бўлиши лозим. Бу борада қуруқ гап қилмаслик учун, Б. Турдиев ва Л. В. Рябухина каби тафтишчилар фаолиятидаги нуқсонларни айтиш мумкин. Уларнинг хатолари туфайли салкам 70 минг сўмлик маҳсулот даромадга киритилмаган. Бошқа текширишлардан ҳам кутилган самара бўлмаганлигини қуйидаги сатрлардан билиб олиш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВГА

ҚАДРЛИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ!

Халқимизда «қадами қутлуғ келди» деган ажойиб ибора бор. Жафокаш юртимиз учун Сизнинг қадамингиз чиндан ҳам қутлуғ келди.

Не-не улуғ фарзандларини тупроққа бериб, кўз ёши ва армон ичра ўртаниб ётган қадим Туркистоннинг бугунги ёруғ, фараҳли кунлари, байрамлари Сизнинг шарофатли қадамингиз, эзгу ишларингиз билан боғлиқдир. Меҳнату маломатдан боши чиқмаган халқнинг дардига дардкаш бўлмоқдан биринчи қадамни бошладингиз. Халқнинг кўзлари ярқ этиб очилди: атойи худо — ориф ва фозил бир раҳбар келганидан суюнди. «Ўзбеклар иши» деб дунёга жар солиб, бутун халқнинг номини ёмонга йўйган шумқадам «арбоб»ларнинг зулмига чек қўйдингиз. Арвоҳларк чирқираган халқнинг уйқусида ҳаловат, ишида барака бўлмас, дейдилар. Улкан адиб ва арбоб, номи, қадри ва қабри топталган Шараф Рашидов шаъни тикланишида, ҳеч муболағасиз, битта ўзингиз қалқон бўлдингиз.

Гўзал Наврўз байрами чинакам халқ шодиёнасига, сайлига, Инсон орзуларининг мўъжиза баҳорига айланди. Бутун Ўзбекистон тўйхона бўлиб кетди. Руҳларни покловчи, тилакларни ижобат қилгувчи ҳайити шарифни қонун йўли билан мустаҳкамлаб, яна бир карра эл дуосини олдингиз.

Истиқлол қувончлари, қалбларга, кўчаларга, руҳларга қайтган буюк пирларнинг номлари шукуҳи бошимизни осмон қилди.

Қип-қизил шнорлар, хитоблар, ҳайқириқлар ўзбек халқининг битмас жароҳатларини сирли ниқобдай тўсиб ётган эди. Истиқлолнинг жонбахш қудрати макру ниқобларни чил-парчин қилди.

Ўзбекистон ўз овози билан, ўз тили, дили, бутун ҳусну жамоли билан оламга танилмоқда, ёқали тўн, тўғли давлатга айланмоқда.

Қафасдан озод бўлган қушнинг йўлида хатар кўп учрайди. Хатар воднйсидан уни эсон-омон олиб ўтишда бургут шижоати керак бўлади.

Озод Ўзбекистонни долғали бир даврдан олиб ўтишда зийраклик, қаттиққўллик, шарқона донишмандлик билан иш кўраётганингиз бизга манзур бўлмоқда.

Бугунги кунда чоп этилган икки рисолангизни ўқиганлар, Давлат юритишда, иқтисодий ислоҳат оламида «Каримов йўли», «Каримов мактаби» деган ибора пайдо бўлажагини, бу асарлар ҳалқаро анжуман ўтказишга лойиқ эканлигини таъкидламоқдалар.

Қардош Тожикистон тупроғидаги қирғин-қабоҳатни, фарёдни тўхтатишда Сизнинг зийраклигингиз, инсонпарварлигингиз асқотди. Тожиклару ўзбеклар баравар дуо қилишиб, еттн авлодигача миннатдор бўлиб туришибди.

Катта халқнинг тарихий тақдирини ўз зиммасига олган давлат бошлиғига яратганнинг ўзи савқи илоҳий—башорат қилиш туйғусини ҳам берар экан.

Қўшни жумҳуриятдаги ёнғин, қасос талвасаси, ҳалокатли гирдоб қўшни томига ўтиши ҳеч гап эмас эди.

Сиз мана шу таҳликали фожианинг олдини олдингиз, қайта-қайта нуфузли БМТга мурожаат қилиб, қанчалар улуғ мардлик кўрсатдингиз! Бу жасорат элу юртимизга ойнадай аён бўлиб турибди.

Ҳар икки гапнинг бирида халқингизни «улуғ халқим» деб атайсиз. Ҳар калимада жон қуйдириб тинчликдан, аҳиллиқдан сўйлайсиз.

Ана шундай кезларда ҳалқ юксалиб кетади. Дилларга халоват инади. Карахт шуурларни ҳаёт қўнғироқлари уйғотади. Орзулар ғунчалайди. Халқ ўзи тиклаган улкан минорларига баробарлашади. Ўзингиз башорат этгандай, Ўзбекистон келажаги буюк давлат эканига яна бир карра ишонади.

Уйғонган, қанотланган халқнинг меҳнатини, буюк кўтарилиш фаслини матбуот саҳифаларида рўй-рост ёритиш, Сиз олиб бораётган изчил ривожланиш, янгиланиш сиёсатини очиқ-ойдин ҳар бир қалбга етказишда биз, журналистлар Сўз масъулиятини яққолроқ ҳис этамиз.

Фикру зикримиз, истеъдодимиз, қалам кучи билан ҳамиша ўзимизни сафарбар сафларда деб Сизни ишонтирамиз.

Дўстлик ва Истиқлол кўприкларини қураётган халққа мадад ва илҳом бўлиб турган матонатли Президентга, шоир табиатли шоҳга табиатнинг нозик чашмаларидан куч-қувват, соғлиқ тилаймиз.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси пленуми қатнашчилари.
Тошкент шаҳри.

САНАМАЙ САККИЗ ДЕМАНГ

КОРЕЯДА ЧИҚАДИГАН «ЧОСОН ИЛЬБО» ҲАМДА «ЧУНОН ИЛЬБО» ГАЗЕТАЛАРИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИККИ МАҚОЛА ХУСУСИДА МУЛОҲАЗАЛАР.

Юқорида тилга олинган нашрлар Жанубий Кореяда кўп нусхада босилиб чиқаётган таниқли газеталар сирасига киради.

Яқинда ана шу газеталарда босилиб чиққан Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан Ўзбекистонда корейсларнинг аҳволи, миллатлараро муносабатлар қай даражада йўлга қўйилганлиги, хусусан бу борадаги анъаналар ҳақидаги икки мақола эътиборимизни тортди. Тўғридан тўғри айтиш керакки, мақолалардаги «Марказий Осиё давлатлари корейсларни Узоқ Шарққа оммавий равишда қувғин қилиш арафасида» қабилида айтилган гаплар боисини умуман тушуна олмадик, Ушбу чиқишларнинг асосий мазмуни ва йўналиши ҳақида кенгроқ баҳс қилишни лозим топиб, аввало, Ўзбекистонда коррейслар қандай яшаётганлиги хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз. Улар чиндан ҳам жанубий кореялик журналистлар ғам-андуҳ билан ёзишганидек оғир аҳволда яшашаяптими?

Маълумингизким март ойи бошида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов МДҲдаги хорижий мухбирлар халқаро уюшмаси аъзолари билан ўтказган матбуот конференциясида ушбу масала бўйича аниқ ва очиқ-ойдин қилиб, шундай деди: «Ўзбекистонда бошқа миллатлар вакиллари қатори 200 минг корейс ҳам яшамоқда. Биз улар ўзларини худди ватанларидагидек ҳис этишлари учун ҳамиша ҳаракат қилиб келмоқдамиз».

Бу фикр қуруқ баённома эмаслигини, конкрет фактлардан ҳам, корейслар жамоасининг ярим асрдан кўпроқ вақт мобайнида қандай яшаб келаётганлигидан ҳам билса бўлади.

Корейслар Сталин тузуми томонидан камситилган ўнлаб халқлар қатори 1937 йилда Ўзбекистонга келтирилган эди. Ушанда улар 75 минг киши эди. 30-йилларда бошланган янги ҳаёт корейслар учунгина эмас, республиканинг бошқа барча халқлари учун ҳам оғир кечди.

Журналист ва ёзувчи Ким Брутт «Тақдиримиз шамоллари» китобида ана шу оғир ва машаққатли йилларни қуйидагича таърифлайди: «Кўчиб келганлар амалда ҳамма нарсани янгидан бошлашлари лозим эди: уй қуришлари, янги ерларни ўзлаштиришлари, лозим бўлган шарт-шароитни таркиб топтиришлари даркор эди. Миллатдошларимизнинг яхши фазилатлари — ҳаётни севишлари, сабр-қанотли, қатъиятли эканликлари, меҳнатсеварлик, маҳаллий аҳолининг яхши қўшничилик муносабатлари, ўзларида бор нарсани биргаликда баҳам кўришга тайёр эканликлари бу ўринда асқотди. Корейсларнинг кекса авлоди ҳалигача маҳаллий аҳоли уларни ёпилган нон ва майиз билан меҳмон қилганликлари, ўша оғир йиллардаги қийинчиликлардан чиқиб олишга кўмаклашганликларини яхши эслайдилар.

Биз учун янги ватан бўлиб қолган бу заминда корейсларнинг учинчи авлоди дунёга келмоқда. Бугун тақрорлаётганимиз дўстлик ҳақидаги гапсўзлар авлодларимиз кириб яшаётганимиз ушбу замин эгаларига бўлган оддий ҳурмат ва миннатдорчилик эмас албатта. Бу дўстлик ўн йиллар мобайнидаги биргаликдаги меҳнат, ўзаро ёрдам, яхши қўшничилик туфайли мустаҳкамлангандир».

Ҳа, Ўзбекистоннинг туб аҳолиси ва корейслар ўн йиллар мобайнида ўзаро ҳурмат асосида яшаб келганлиги мулоҳаза учун катта озуқа беради. Ўзбекистондаги корейслар жамоасининг тарихи, ўтмиши, бугуни ҳамда келажагини ҳаққоний кўрсатиб берадиган тадқиқотчиларини кутмоқда.

Ҳозир кўплаб факт ва мисоллар келтириш, статистик маълумотларни санаб ўтиш билан ўқувчини чалғитмай, ушбу жамоа учун хос бўлган муҳим хусусиятларни санаб ўтмоқчи эдим.

Корейслар Ўзбекистондаги маҳаллий аҳоли сингари барча тўла фойдаланиб келмоқдалар. Айтиш мумкинки, демократия амалга оширилганлиги ҳақида гап-сўзлар айтилаётган Болтиқ бўйи мамлахатларидагидек эмас, корейс жамоасининг муайян қисми тўла маънода сиёсий ҳуқуқларга эга бўлмаган Японияда ҳам бундай имконият яратиб берилган эмас. Ўзбекистондаги жуда кўп ҳокимият идораларида корейсларнинг вакиллари ишлаб турибди. Виктор Чжен Миллий саноат (собиқ Маҳаллий саноат вазирлиги) корпорациясига бошчилик қилмоқда. Ушбу миллатга мансуб ўнлаб кишилар вазир ўринбосарлари, йирик саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари етакчилари бўлиб меҳнат қилишяпти.

Ҳозирги корейслар Ўзбекистондаги маълумотли ва малакали кадрлари кўп бўлган аҳоли гуруҳлари сирасига киради. Уларнинг ҳар ўнтасидан 8 таси шаҳарда истиқомат қилади, ҳар 3 кишидан биттаси олий ва ўрта махсус маълумот эгасидир. Ўзбекистон илмий, техника ва ижодий зиёлилари таркибида уларнинг ўзига яраша салмоғи бор.

Ўзбекистон раҳбарияти халқларнинг миллий ўзига хослигини тиклаш, сақлаш ва ривожлантириш борасида фаол иш олиб бораётган сўнгги йилларда ўзбекистонлик корейсларнинг маданий ва ижтимоий ҳаётида туб ўзгаришлар юз берди. Миллий бирлашмалар ташкил этилди. Унинг асосини жамоанинг маданий ва маънавий уйғониши, ўз тарихий Ватани билан алоқани мустаҳкамлашни мақсад қилиб қўйган 20 та корейс маданий марказлари ҳамда «Пом-минрен» жамоаси ташкил этади.

Ўзбекистонда корейс миллий маданиятини янада ривожлантириш мақсадини кўзлаб, шунингдек, республиканинг келгусида алоқалари кучайиши режаланаётган мамлакатлар иқтисодиёти ва маданиятини ўрганиш манфаатларидан келиб чиқиб, Тошкент шаҳридаги

(Давоми 2-бетда).

ШАМА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Масъулият ҳисси йўқолган жойда хўжасизлик, талон-торожлик, ташмачилик, исрофгарчилигу нобудгарчилик каби салбий ҳодисалар авж олишига имкон яратилади. Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси маъмуриятининг (директори В. Моисеев) назоратни бўшаштириб юборгани натижасида корхона ишлаб чиқаришида жиддий нуқсонларга йўл қўйилди.

Одатларимиз қизиқ. Миллион-миллионлаб давлат, халқ мулкининг қўкка совурилишига нари борса жиддий нуқсонларга йўл қўйилибди деймиз. Лекин, баъзан янглишибми, биздан бир сўм ўмариб қолган сотувчини — муттаҳам дея, шартта ёқасидан оламиз. Бунинг боиси мулкчилик шаклида. Етмиш йиллик тажрибадан биламизки, давлат, умумхалқ мулки деган билан бизнинг кафтимиз қизимайди. Шу боисдан ҳам, паравозни ўғирлаётганларгаям виждонимиз қилт этмай кўмаклашамизу, бироқ томоркамизга янглишиб кириб қолган бузоқни уриб ўлдиришдан, унинг эгаси билан эса то қиёмат кунигача қозилашишдан тоймаймиз. Ҳа, бизни ана шундай руҳда тарбияладилар. Ўғлига аравача ясаб бериш учун юриб турган тракторнинг подшибникини суғуриб олган тракторчини эсланг. Ўша тракторчи— бизнинг типик вакилимиз эмасми?

Давлатга етказилаётган моддий зарарнинг миллионлар билан ўлчанишига қараганда, республикадаги ягона чой қадоқлаш фабрикасида ҳам ўша қавмдаги тракторчилар анчагина шекилли. Бу ердагиларнинг тасаввурича, гуёки, кимсасиз чўлда ёмби топилгану ҳар ким ундан бемалол, тортинмай ўз улушини ушатиб олиши мумкиндай.

Юқорида таъкидлаганимиздек, республика ҳукумати ҳозирги иқтисодий вазиятнинг қанчалик мураккаблигидан қатъий назар, хориждан аҳоли эҳтиёжидан ортиқроқ чой келтиришга эришаётир. Лекин ҳамон жойларда бу маҳсулот тақчиллиги сезилмоқда. Бунинг сабаби ички таъминот ва тақсимотдаги номутаносиблигу ғирромликда. 1992 йилда фабрика савдо шохобчаларига маҳсулот етказиб бериш юзасидан олган мажбуриятини 70 фоизга бажарган холос. Лекин шу билан бирга 792 тонна қадоқланган чой турли ташкилотларга фонддан ташқари берилган. Маҳсулотнинг давлат дўконида кўринмай, савдогарлар қўлига ўтиб кетганлигининг асосий сабабларидан бири ҳам мана шу. Бундан ташқари корхонада чой маҳсулотини ўғирлашга шундай қулай имкониятлар яратилган-ки, бунинг учун ташмачи ва юлғичлар корхона раҳбарларига қуруқ раҳмат айтишни ўта ноинсофлик деб билишлари тайин.

Рақамларга мурожаат қилайлик. Уларнинг тили нақадар аччиқ бўлишига қарамай ҳақиқатни сўзлайдилар. Корхона ўтган йил мобайнида аҳолига намлиги нормадан 2 фоизгача ортиқ бўлган 548 тонна, яъни 12 миллион сўмлик маҳсулот сотган. Текшириш чоғида ҳар қутига 15 фоизгача кам чой солингани, шу боисдан жўнатишга тайёрлаб қўйилган 13 тоннага яқин маҳсулотдан деярли бир тонна ўмарилгани маълум бўлди.

Чой хомашёси ҳаракати ва даромаду ҳаражат ҳисоботларида ҳам афандининг супа санаши усули жорий қилинганга ўхшайди. 319 миллион сўмлик 290 тоннадан зиёд чой хомашёси бухгалтерлик ва моддий ҳисоботларда қайд қилинмаган, 26 миллион сўмлик тайёр маҳсулот эса моддий жавобгар шахслар ҳисобига ёзиб қўйилмаган. Текшириш чоғида табиий зарар ҳисобига акт қилинганидан ташқари етти нафар масъул киши ҳисобида 1,3 миллион сўмлик камомад ва 269 минг сўмлик ортиқча маҳсулот борлиги аниқланди.

Фабрикада чой маҳсулотини вилоятларга тақсимлашда ҳам ғирромликка йўл қўйилган. Масалан, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларига режадан кўпроқ — 117—107 фоиз, Сурхондарё ва Наманган вилоятларига эса анча кам — 65 фоиз чой берилган. Натижада айрим жойларда сунъий равишда чой тақчиллиги ҳосил қилинган.

Самарқанд вилояти савдо шохобчаларидаги чой савдосининг аҳволи ҳам харидорлар талабига жавоб бермаётир. Жойларда, маҳсулотни яшириб қўйиш, юқори нархларда пуллаш ва одамлар ҳаққига ҳиёнат қилиш каби кўплаб фактлар аниқланди.

Назоратчилар текшириш жараёнида корхонадаги қинғирликларни йўл-йўлакай тузатиш чораларини кўрдилар:

— асосий ишлаб чиқариш воситаларини қайта нархлаш, тўланмаган солиқлар ва бошқа тўловлар ҳисобидан давлат хазинасига 346 миллион сўм маблағ ўтказилди;

— ҳаддан ташқари кенгайтириб юборилган маъмурият штатлари қисқартирилиб 1,1 миллион сўм иқтисод қилинди;

— «Интер—Алоқа» бирлашмаси томонидан ғайриқонуний ўзлаштирилган 43 миллион сўм ва 53 минг долларни фабрика ҳисобига қайтариш чоралари кўрилди;

— салмоғи ва сифати стандарт талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотлар қайта ишланишга юборилди;

— директорнинг ўз вазифасини уддалай олмаган икки ўринбосари ва етти нафар моддий жавобгар шахс лавозимидан олиб ташланди.

Корхонада текшириш давом этмоқда. Бу ерда мустаҳкам тартиб-интизом ўрнатилиши учун барча чора-тадбирлар кўрилишига ишончимиз комил.

Шу ўринда Президентимиз Ислом Каримовнинг яқинда Жиззах вилоятида сўзлаган нутқидаги қуйидаги сатрлар ёдга тушади:

«— Ҳеч бир муаммо тўсатдан пайдо бўлмайди. У барча иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган, бепарволик ва боқибеғамлик ҳукм сурган жойда илдиз отади. Ҳар ким, ҳар қайси раҳбар ўз жойида, ўз лавозимида туриб чекига тушган бурчни ҳалол бажариши керак».

Мустақиллик йўлида дастлабки қадамларни босаяпмиз, тикланишнинг мураккаб ва машаққатли жараёни давом этаётир. Тарихдан маълумки бундай даврларда ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлар авж олади, пайт пойлаб ётган жиноий гуруҳлар ғимирлаб қолади. Улар иқтисодиётда сунъий тангликни вужудга келтириб, сиёсий вазиятни издан чиқаришга уринишади. Ён атрофимизда бўлаётган ҳодисалар шундан гувоҳлик бераётир.

Ўзбекистонда бундай салбий ҳолатларнинг пайи кескин қирқилаётганлигига шоҳидмиз. Президентимиз барча соҳаларда тартиб-интизомни мустаҳкамлаш ва халқ манфаатларини ҳар томонлама муҳофаза этиш йўлида қатъият ва матонат билан бормоқда. Бироқ жойларда ҳаёт маромини изга солиш шу ердаги раҳбарлар ва масъул кишиларнинг, қолаверса, бутун жамоатчиликнинг бурчидир. Ҳар ким ўз уйининг, ўз корхонасининг ҳақиқий хўжайини бўлиши лозим. Ҳайиқмай ва ҳадиксирамай ҳар бир нарсани ўз номи билан аташга одатланайлик. Яъни нуқсон эмас жиноят, камчилик эмас камомад, интизомсизлик эмас қонунбузарлик, хўжасизлик эмас ўғирлик, тўрачилик эмас таъмагирлик, порахўрлик деб лозим бўлган жойда баралла айтайлик ва бу иллатларга қарши қатъий курашайлик. Ана шунда биз фидойи Президентимиз олиб бораётган эзгу ишларини фақат қарсаклар билангина эмас, балки амалда қўллаб-қувватлаган бўламиз.

Биз Самарқанд чой қадоқлаш фабрикасидаги раҳбарлару нозирлар, тафтишчию текширувчилар, омборчию ҳисобчилар, чойфурушу боққолларга шаъма қилдик холос. Шамасиз гапни эса бошқа чойхўрлар айтишса, ажаб эмас.

Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ,
Беркин САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорати комитетининг масъул ходимлари.

БОЗОР ТЎКИНЛИГИ— ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ

Ҳозир Самарқанд бозорларида бир килограмм ёнғоқ 400—500 сўм, олма 100—120, майиз эса 900 сўмни қоралаб қолди. Ҳатто бир боғ кўк пиёзнинг нархи 20 сўмга чиқди. Хўш, ҳар кимнинг ҳам чўнтаги кўтара олмайдиган бу нарх-навони туширишнинг ўзи нима қилиш керак!

Вилоят сабзавоткорлари, соҳибкорларининг кенгашида ана шу ҳақда атрофлича фикр-мулоҳаза юритилди. Чунки жиддий ташвишланишнинг асоси бор. Ўтган йили вилоятда давлатга мева сотиш режаси уддаланган бўлса-да, айрим районларда барча имкониятлар ишга солинмади. Масалан, вилоят бўйича ҳосилдорлик гектар ҳисобига 34 центнерни ташкил этган бўлса, мева-сабзавот етиштиришга ихтисослашган Булунғур районида бу кўрсаткич 12 центнерга тушиб қолди. Пайариқ, Челак, Жомбой, Оқдарё туманларидаги аҳвол ҳам мақтагудек даражада эмас.

Кенгаш қатнашчилари ўтган йилги аҳволдан сабоқ чиқариб, бу йилги ишларни пухта уюштириш тадбирларини белгилаб олдилар. Унда вилоят ҳокими П.М. Абдураҳмонов нутқ сўзлади.

М. МУҚИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ. Уйчи ипакчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида 3 мингдан зиёд киши меҳнат қилади. Корхонада ишчи-хизматчиларнинг яхши ҳордиқ чиқариши ва унумли ишлаши учун барча қулайликлар яратилган.

Бирлашманинг аҳил меҳнат жамоаси муваффақиятларни кўпайтириш, режаларни уддалаш йўлида изланмоқдалар.

СУРАТДА: Уйчи ипакчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими Абдувоҳид Қаҳҳоров (ўнгда), Туркиянинг «Самурхалилари Санаий ве тижарет» фирмаси мутахассиси Эришмиш Иброҳим билан.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

• *Қардошлик*

АГАР ШУ ХАЙРЛИ ТАДБИРНИ ИЖОДКОРЛАРИМИЗ ҲАМ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШСА

Бугунги кунда Она диёримиз — Ўзбекистон ўз мустақиллигига эга бўлиб, ниқилоб сари пешвоз қадам ташламоқда. Яқиндагина яшнаш ва яшариш тимсоли бўлмиш — Наврўз байрамини ҳам катта тантана ва юксак шоду хуррамлик билан кутиб олдик.

Президентимиз Ислом Абдуғани ўғли Каримов, ўзининг Наврўз табрикномасида «Мана, шу қутлуғ Наврўз кунида сиз азиз ватандошларимни ишонтириб айтаманки, бундан буён ҳам юртимиз ва халқимиз шаънини, маънавий қадриятларини кўз қорачиғимиздек асраб-авайлаймиз ва қатъий ҳимоя қиламиз», —деган эди.

Дарҳақиқат, бу ажойиб сўз халқимиз қалбида Ватан истиқболига катта умид уйғотиш билан бирга, азалий қадриятларимизни тиклашда, серқуёш ўлкамизни ривожлантиришда кучимизга куч, ғайратимизга — ғайрат қўшиб, ғоят илҳомлантириб юборди. Бу сўзлар мени қалам тебратишга ҳам даъват этди. Унинг устига Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли ажойиб рисоласида Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатининг асосий концепцияларини аниқ ва чуқур белгилаб бериш билан бир қаторда, ҳур диёримизнинг ўзига хос равнақ йўли борлигини алоҳида уқтириб ўтганлар.

Ўрни келганда шу нарсани таъкидлаб ўтиш лозимки, Президентимиз ўз рисоласида йирик давлат ва буюк жамоат арбоби эканлигини тўла англатиш билан бирга, ажойиб иқтисодчи ва етук ислоҳотчи эканлигини ҳам кенг намоён этди. Чунки, асарда Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўлини кўрсатиб бериш билан бирга, бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич усулларини ҳам моҳирона уқтириб, кўрсатиб берган. Унинг билим ва маҳорати жаҳондаги етакчи ахборот маҳкамалари вакиллари билан бўлган мулоқотда ҳам алоҳида кўзга ташланади. Чунки, чет эллик журналистларнинг берган саволларига қайтарган аниқ жавоблари, биз ижодкорларни ҳам ҳайратда қолдирди.

Қозоқлар республикамизда сон жиҳатдан учинчи ўринни эгаллайди. Қозоқлар неча-неча асрлардан буён ўзбеклар билан ёнма-ён яшаб, аралаш ҳаёт кечириб келаётган оға-ини халқ. Ҳозирги кунларда қозоқларнинг ўз она тилларида таълим-тарбия олишлари, баракали ижод қилишлари учун кенг имкониятлар яратилган. Республикамизда қозоқ тилида ўқитиладиган 548 мактаб мавжуддир. Бунинг устига, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида қозоқ мактаблари учун қозоқ тили ва адабиётидан, шунингдек, математика, рус тили, ҳамда бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлайдиган бўлимлар ҳам бор. 1989 йилдан буён Ўзбекистонда қозоқ маданий маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида қозоқ адабиёти кенгаши ҳам ўз ишини давом эттирмоқда. Шунингдек, қозоқ тилида радио эшиттириш, телевиденеда «Замандас» редакцияси 26 йилдирки узлуксиз ишлаб келмоқдалар. Мана буларнинг ҳаммаси қардош ўзбек халқининг қозоқ халқига, унинг анъаналарига, тарихи ва адабиётига, маданиятига бўлган ҳурматининг ёрқин ифодасидир.

Тўғри, турғунлик даврида ўзбеклар билан қозоқларнинг ўзаро дўстлиги, маданий алоқалари бирмунча сусайганлиги ҳеч кимга сир эмас. Чунки, ижодкорларимиз орасидаги дўстлик алоқалари, борди келдилар ривожланмади. Ҳатто, ҳассос қалам соҳибларимиз бўлмиш Мухтор Авезов билан Ойбек, Ғафур Ғулом билан Собит Муқонов, Ғабит Мусрепов билан Абдулла Қаҳҳор, Уйғун билан Ғали Урманов, Абдулла Тожибоев билан Миртемир солган дўстлик кўприги, ижодий ҳамкорлик анъаналари давом этмади. Ҳозир икки халқ Президентлари Ислом Каримов билан Нурсултон Назарбоев Олмаота, Тошкент, Туркистон ва бошқа жойларда тез-тез учрашиб, дўстона алоқаларга алоҳида аҳамият бермоқдалар. Яқинда Қизилўрдада учрашиб, Орол муаммосини ҳал қилишга келишиб олдилар. Шундай экан, эндиликда ижодкорларимиз ҳам, дўстликка, борди-келдиларга алоҳида аҳамият бериб, ўзаро ижодий ҳамкорликни ривожлантирса, нур устига аъло нур бўлган бўлур эди. Чунки, адабиётлар дўстлиги — халқлар дўстлиги, халқлар дўстлиги эса адабиётлар дўстлиги, демакдир.

Бунинг устига, буюк алломаларимиз бошлаб берган дўстлик анъаналарини бугунги ижодкорларимиз кенг давом эттирса, у қозоқ ва ўзбек халқлари дўстлиги ривожига, умуман Марказий Осиё халқларининг дўстлигига ўз таъсирини кўрсатган бўлур эди. Бу эса халқларимизнинг равнақи ва камолоти йўлида муҳим аҳамият касб этади. Ўзаро бир-бирининг диёрида адабиёт ва санъат кунлари ўтказилса, қалам соҳибларининг ижодий кечалари уюштирилса, бир-бирининг бадиий жиҳатдан баркамол асарлари асл нусхадан таржима этилса, бу ҳар иккала халқ дўстлиги ривожида катта аҳамиятга эга бўлур эди.

Мен, оддий бир қозоқ фарзандиман. Ўзбекистонда туғилиб, ўсиб ундим ва вояга етдим. Аммо мен ўзимни ҳам қозоқ, ҳам ўзбек фарзандиман, деб ҳис қиламан. Мен учун ўзбек диёри Ўзбекистон — Она ватаним. Ўзбек тилида ҳам сўзлаш, ҳам ёзиш имконига эгаман. Ҳатто, шу билан ғурурланаман. Назаримда, кўп тил билиш, туғушган халқларнинг адабиётини, тарихини, анъаналарини, маданиятини, ҳаётини мукаммал ўрганиш, ҳар бир инсон ҳаётида катта аҳамиятга эга. Бу эса, ўша халқни чин қалбдан сева билишга, дўстликнинг аҳамиятини теран тушунишга муҳим замин яратади.

Халқларимизнинг тарихи, дини билан тили ҳам бир, ниятлари пок, Она Туркистоннинг асл фарзандларидир. Уларнинг дили дилига, кўнгли-кўнглига пайванд, бири-бирисиз яшай олмайдиган, туташ қалбли халқлардир.

Қалдибек СЕЙДАНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қозоқ адабиёти кенгаши раиси, «Нурли жол» рўзномасининг бош муҳаррири.

• *Таклиф*

БЕШ МИНГ СЎМНИ КИМ МАЙДАЛАЙДИ?

Чол-кампир 10 минг 632 сўм нафақа пули олган эдик. Иккита 5 минг сўмлик беришди. Уни майдалаш учун кирмаган дўкон ёки ишхона қолмади, десам, муболаға қилмаган бўламан. Кейин давлат банкига бордик. У ердан ҳам ишимиз битмай чиқди. Минг афсуски, қанчалик ялиниб-ёлворишимизга қарамасдан, ўзимизга қадрдон жамғарма банки ҳам мушкулимизни осон қилолмади. Билсак, дўкон сотувчилари уни майдалаш учун ҳар беш мингталикдан 100-200 сўмдан олишаётган экан. Бу воқеаларни кўриб, одамларни овора қилгандан кўра, ҳар бир район банки қошида йирик пулларни майдалайдиган жой ташкил қилинса бўлмасмикин, деган хулосага келдик. Менимча, бу кўпчиликка маъқул тушса керак.

Гулуммат ҚАЛАНДАРОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний шаҳри.

САНАМАЙ САККИЗ ДЕМАНГ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Низомий номли Давлат педагогика институтида корейс тили бўлими, Шарқшунослик институтида эса кореяшунослик куллиёти очилди. Санъат институтида корейс театри учун артистлар тайёрлайдиган бўлимга қабул ўтказилди. Ўзбекистон пойтахтида корейс мусиқа-драма театри ташкил қилиш учун лойиҳалаш ишлари давом этмоқда.

Ўзбекистон Маориф вазирлиги корейс жамоасининг сўровини инобатга олиб улар жамланиб яшайдиган аҳоли пунктларидаги мактабларда фан сифатида корейс тилини (ҳафтасига уч соат) ўқитишни жорий этди. Маҳаллий ҳокимият органларининг иштироки билан корейс тили курслари тармоғи ташкил этилмоқда. Бундай курслар Қорақалпоғистон Республикасида, Ўзбекистоннинг барча вилоятлари ҳамда йирик шаҳарларида ташкил қилинди.

Шуни қатъий қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистонда корейсларнинг миллий маданияти ривожланмоқда. Бу ривожланиш давлат йўли билан ҳам, жамоатчилик йўли билан ҳам амалга ошаётир. Ўзбекистон давлат филармонияси қошида «Чон—Чун» корейс ашула ва рақс дастаси, Ўзбекистон театр намояндалари Союзида «Син—Сен» фольклор театри студияси фаолият кўрсатаётир. «Таради» вокаль-инструментал ансамбли ҳам томошабинларга маълум. Корейслар жамланиб яшайдиган жойларда ташкил этилган бадиий ҳаваскорлик ансамбллари жамоалари ижодий савияси юксак эканлиги билан ҳам ажралиб туради.

Корейс миллатига мансуб Ўзбекистон гражданлари республикамиз спортини ривожлантиришда сезиларли улуш қўшиб келмоқдалар. Улар мамлакатимизда таэквандо мактабини барпо қилишда, шунингдек, шарқ халқларига хос бошқа кураш турларини шакллантиришда, чим устида хоккей, бокс ва оғир атлетикани ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришдилар. Ф. Пак, В. Шин, сингари боксчиларнинг номи бутун дунёга машҳур бўлса, таэквондо бўйича И. Тен, О. Хан, Е. Ким Ўзбекистон чемпионларидир.

«Чосон Ильбо» ва «Чунон Ильбо» газеталари журналистларининг ижтимоий-маиший муаммолар хусусидаги фикрларига келсак, уларнинг ўзбекистонлик корейслар «маҳаллий аҳолига қараганда юқори турмуш шароитига ва юқори даражадаги билимга эга» деган фикрларига қўшилиш мумкин. Аммо худди шу нарса маҳаллий аҳолининг «корейсларга нисбатан нафрат туйғусини уйғотди» деган хулосага мутлақо қўшилиб бўлмайди. Яна журналистларнинг «корейсларга 1993 йилнинг охиригача республикани тарк этиш ультиматуми қўйилган», деган бузғунчиликдан иборат фикрларига ҳам заррача қўшилиб бўлмайди. Бундай мулоҳазанинг шунчалик таги пучки, дастлаб кўзларимга ишонмай қолдим. Балким қандайдир оилалар даврасида маиший мавзудаги ғийбатлар оралаб юргандир. Бизнинг ҳозирги қийин шароитда нималар бўлмайди, дейсиз. Бироқ, одамлар билан суҳбатлашганимдан сўнг, айниқса корейслар билан гаплашиб, бу қип-қизил уйдирма эканлигига яна бир карра имон келтирасиз.

Хўш, бу ўзи нима? Ўзбекистондаги ҳақиқий аҳволни билмасликми, адашишми ёки кимнингдир ижтимоий буюртмасини уқувсизларча бажаришми? Юқоридаги номлари тилга олинган газеталардаги мақолаларни ўқиб, журналистлар нуқтаи-назарида юқоридаги учта омил ҳам баб-баробар мавжуд эканлигини кўрасиз. Бу нарсани мақолаларнинг сарлавҳаси ҳам айтиб турибди: «Корейс қочоқларининг йўли» — тагости сарлавҳаси эса «Ўзбекистонни 150 минг корейс тарк этиши керак». («Чунон Ильбо»); «Ўзбекистон йил давомида 180 минг кишини қувиб чиқариши керак. Тожикистон: фуқаролар уруши ва 6 минг қочоқ. «Қозоғистон: қувиб чиқариш эҳтимоли кучайишдан безовталик» («Чосон Ильбо»). Ушбу мақолаларни ўқиб, Сеулдан менга телефон қилган корейс дўстларимнинг: «Наҳотки Тожикистондаги воқеалар Ўзбекистон ҳудудига кўчган бўлса. Корейслар нима айб қилишдики, уларни республикадан қувишса. Ахир ўзбек-корейс муносабатлари иқтисодий, маданий ва ижтимоий жиҳатдан ривожланиб тобора кучайиб бораётган бўлса, бунга маҳаллий корейслар ҳам катта улуш қўшишаётган бўлишса, уларнинг гуноҳи нима?», — деб безовталик билан сўрашаётганлигини тушунса бўлади.

Агар газеталардаги бундай узунқулоқ гапларнинг икки жиддий жиҳати бўлмаганида раддия беришнинг ҳожати йўқ эди. Биринчиси, кимларнингдир Ўзбекистонни жамоатчиликка майда миллатлар, ҳуқуқлари таъминланмайдиган давлат сифатида кўрсатишга уринишаётгани яққол кўриниб турибди. Иккинчиси, Ўзбекистондаги корейс жамоасини мусулмон мамлакатида тақиб этилган ва ҳукумат (Корея Республикаси — муаллиф)нинг «Узоқ Шарқда корейс мухториятини тузиш масаласида бир тўхтамга келиши»дан, манфаатдор қилиб кўрсатишдир. Мақола муаллифларининг фикрича, «корейсларнинг (Марказий Осиё жумҳуриятларидаги — муаллиф) ўша ерга кетгилари бор» эмиш.

Бизнинг фикримизча, «Узоқ Шарқда корейс мухториятини тузиш», бунинг учун эса корейсларнинг шу томонларга кўчиб кетишларига бутун чоралар билан кўмаклашиш, корейсларнинг Приморск ўлкасида мухториятга эга бўлишга азалдан ишониб келганлари, Россия ҳукумати эса бу масалани эътиборсиз қолдираётганлиги» ғоясини қўллаб-қувватлаш ва ташвиқот қилиш истаги нафақат журналистлар, балки Москвада, Россиянинг бошқа минтақаларида тузилган ва ишлаб турган корейс жамоатчилик ташкилотлари айрим раҳбарларини ҳам тинч қўймаётган кўринади. Тасодиф эмаски, «Чунон Ильбо» газетасидаги мақолага озуқа бўлган асосий ахборот манбаси сифатида собиқ СССР халқ депутати, ҳозир эса Корейс ассоциациялари халқаро конференцияси раиси Ким ен Ун тилга олинади. Афтидан, воқеаларни бевосита жойларга бориб кўрмай, айрим жамоат арбоблари оғзидан олиб бундай юзаки, ёлғон хулосалар чиқариш оммавий ахборот воситалари вакилларининг айби эмас, балки фожеасидир. Эмишки: «ислом динидаги тожиклар билан бошқа динларга мансуб миллий гуруҳлар ўртасида зиддият бошланди. Тожикистондаги корейсларнинг оғир аҳволи, иқтисодий қийинчиликлар натижасида янада чуқурлашаётган миллий зиддиятлар шуни аниқ-тиниқ кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон ва Қозоғистонда яшаётган корейслар ҳам шундай аҳволга тушадилар». Ёки: «Ўзбеклар корейсларни русларнинг ёлланган малайлари, ҳамтовоқлари, ҳаётлари ёмонлашувининг сабабчилари деб биладилар, шу боис уларга 1993 йилнинг охиригача Ўзбекистондан чиқиб кетишлари ҳақида қатъий талаб қўйдилар. Шу муносабат билан корейсларнинг ҳаракатлари кенгаймоқда».

Сохта ва ярим ҳақиқат, ёлғон ва бўҳтон тушунчаларнинг ҳаммаси бир гўр. Марказий Осиё халқлари ва шу ердаги давлатларда яшовчи корейслар муносабатлари тўғрисидаги уйдирмаларни бўҳтон дейиш мумкин. Қадимий грек тарихчиси Геродот айтганидек, бўҳтон шунинг учун ҳам даҳшатлики, уни икки киши тўқийди — бири тарқатади, иккинчиси ишонади, бошқаси унинг қурбони бўлади.

Москвада туриб МДҲ ҳудудидаги воқеалар ҳақида ўзгалар оғзидан олиб ёзишга мажбур сеуллик мухбирларнинг аҳволини тушунса бўлади— улар янглишишлари мумкин. Аммо, корейс жамоатчилик ташкилотларининг маҳфий топшириқлар билан Ўзбекистонда тез-тез бўладиган ва бу ерда барқарор ижтимоий-сиёсий вазият, фуқаролар ва миллий ҳамжиҳатлик таъминланаётганини, корейсларнинг эса ўзбеклар билан тинч-тотув яшаётганликларини ўз кўзлари билан кўриб турган вакилларининг мақсадлари нима? Улар минг-минглаб корейсларнинг оммавий ҳаракатларини, айниқса Узоқ Шарққа кўчишларини истайдилар.

Ўйлаймизки, айнан шундай ҳаракатнинг йўқлиги ана шундай махфий вакиллар (эмиссарлар)ни қаноатлантирмаяпти. Ҳозир ўзбекистонлик корейслар мустақил Ўзбекистоннинг тўла ҳуқуқли фуқаролари сифатида ўзбек-корейс муносабатларини яхшилаш ниятида хотиржам яшаб, самарали меҳнат қилмоқдалар. Қўшма корхоналар очишда, икки томонлама иқтисодий, савдо-техник лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этиб, ўзбек ва бошқа халқлар билан биргаликда ўзлари учун ватан бўлиб қолган ерда янгича ҳаёт қурмоқдалар. Эмиссарлар айнан шу барқарор вазиятни бузишни жуда-жуда истайдилар.

Турли ташкилотлар номидан ва уларнинг ҳомийлигида чиқишлар қилаётган айрим шахсларнинг ҳатти-ҳаракатларини тергаш ва айниқса баҳолаш биз учун мушкул. Бу борада нафақат Россия, балки бошқа давлатларда яшаётган корейсларнинг ўзлари, шунингдек вақт қозидир. У ҳамма нарсани жой-жойига қўяди. Биз эса, ўз вазифамизни ўйламай қўйилган енгилтак қадамлардан (гарчи у яхши ниятлар билан ниқобланган бўлса ҳам) огоҳлантиришда, турли концепциялар, лойиҳалар билан ниқобланган ҳаракатларга ёки йўлдан урувчи чиқишларга оид ўз нуқтаи назаримизни корейс жамоасига маълум қилиб қўйишда деб биламиз.

Корейс ассоциациялари халқаро конференцияси заминида туғилган ва нима учундир, Россия федерациясининг Миллатлар иши бўйича давлат қўмитаси бош мутахассиси Б. С. Цойнинг илова хати билан жумҳуриятимизга келиб қолган концепциясини олиб кўрайлик. У «Россия корейсларининг миллий-маданий тикланиш концепцияси» деб номланган. Ҳужжатнинг номиданоқ гап Россия корейслари ҳақида боради деган мантиқий фараз келиб чиқади. Аслида ундай эмас экан. Дастлабки сатрларок бу фаразни инкор этади. Чунки, «МДҲ мамлакатларидаги корейслари» ҳам «россиялик корейслар этноси»га киритиш керак экан. Бу шундай дегани:

— агар ҳамма корейсларни «россиялик» дейдиган бўлсак, улар, ҳатто МДҲнинг бошқа мамлакатларида яшовчилари ҳам Россия Федерацияси қонунлари таъсирида бўлишлари керак;

— корейсларнинг депортация туфайли кўрган моддий зарарларини тўлаш эса «корейсларнинг ҳозирги яшаб турган жойлари»га юкланади. Яъни, ҳамма корейслар «россиялик», аммо МДҲнинг корейслар яшаётган ҳамма давлатлари марҳамат қилиб халқ депортацияси учун тўлов тўлаб қўйинг. Гарчи, бизда бундай депортацияга йўл қўйилган бўлмаса-да;

— Россия учун қандай роль ажратилган? Шубҳаланманг энг дуруст йўл: «корейслар ҳуқуқини амалда тиклашда Россия бош давлат ролида чиқади, намуна бўлади ва МДҲнинг бошқа мамлакатларидаги корейсларнинг миллий-маданий тикланишлари муаммоларини ҳал этишга манфаатдорлик билан кўмаклашади. Бечора Россия ҳукумати! Маслаҳатгўйлари сафига россияликларни юмшоқ қилиб айтганда ўзга давлатлар ишига аралашишга ундаётган жамоат «арбоблари» қўшилганидан хабари ҳам йўқ. Бу «арбоблар» ўзларини нафақат Россия, балки қўшни давлатлардаги корейслар тақдирининг ҳокими деб биладилар.

Муштарийларни толиқтирмай, шу ерда гапни калта қилиш мумкин эди. Аммо «концепция»да мазмунан узоқни кўзлаган яна бир нечта хом хаёллар борки, улар ҳақида тўхталмаса бўлмайди. Аввало, «Узоқ Шарқда Ўрта Осиё ва Қозоғистон, шунингдек МДҲнинг бошқа давлатларидаги рус корейсларидан иборат манзил» барпо этишни босқичма-босқич уюштирмоқ керак! Бу «шонли» ўттизинчи йилларни ва унинг «ҳайбатли режалар»ини эслатмайдими? Ёки яқингинадаги «500 кун» дастурини-чи? Ўша ишларнинг қисман натижаларини эслаб, қўйиш фойдадан ҳоли бўлмасди.

Ўрта Осиё ва Қозоғистонда яшовчи корейслари Узоқ Шарққа ёппа кўчириш ғояси оммабоп эмаслигини Москвадаги корейс ташкилотлари «арбоблари» жуда яхши биладилар. Шу боис «Биринчи навбатда МДҲдаги корейс жамоалари билан алоқа қилувчи маданий-маърифий марказ» ва «Корейсларни тиклаш халқаро жамғармаси»ни тузиш ғояси илгари сурмоқдаларки, бу ташкилотлар корейсларни кўнгилли-мажбурий тартибда кўчириш билан шуғулланиши керак эмиш.

Бу найранглар бизга аён. Жумҳуриятимизга марказдан юборилган «кадрларнинг чеклланган гуруҳи» кирдикорларини кўрдик. «Бегараз» ёрдамларнинг аччиқ сабоқларини бошдан кечирдик. Энди у даврлар ўтди. Ўйлаймизки, ягона марказдан раҳбарлик қилишнинг «ажойиб самаралари»ни ўзбек халқи билан биргаликда татиб кўрган корейс жамоаси қайси миллатга мансублиги ва қандай ялтироқ сўзлар ниқобига яширинишларидан қатъий назар мансаб курсиларини ҳавас қилаётган айрим арбоблларнинг асл мақсадларини тушиниб, ҳақиқий башараларини таниб оладилар. Зеро, уларнинг «жўшқин» фаолиятлари илк меваси бўй кўрсатди. Жанубий Кореянинг оммавий ахборот воситалари саҳифаларида ҳақиқатга мутлақо зид ахборотлар пайдо бўлди.

Юқорида тилга олинган мақола билан боғлиқ ўй-фикрларни якунлаб, Жанубий Корея журналистлари диққат этиборини Ўзбекистон Республикаси президентининг шу йил март ойида ўтказган матбуот конференцияси материалларига қаратмоқчи эдим. Конференцияда шундай дейилади:

«Ўзбекистон СССР таркибида эканлигида кўҳна ва буюк тарихга, ўз маданияти маърифатига эга бўлган шундай йирик, сераҳоли минтақа ҳақидаги бутун ахборот силлиқланарди, текисланарди. Хоҳлайсизми, йўқми, биз ҳақимиздаги ҳамма хабарларни Москва матбуоти орқали олардингиз. Бу андоза ҳамон бизнинг қўлоёғимизни боғлайди. Бу ҳол маълум даражада рағбат туғдиради. Ўзбекистонга тез-тез келиб, одамлар билан учрашинглар, муаммоларимиз, ютуқларимиз ва тўплаётган тажрибаларимизни ўрганинглар.

Биз Марказий Осиёдаги йирик мамлакатлардан бирида юз бераётган воқеаларни ҳалол ёритадиган ҳақиқий профессионалларни ўз юртимизда кўришдан ҳамиша мамнунмиз.

Ином САИДИЙ.

ПОЙТАХТ ҲАЁТИ

50 МИНГ СУМГА ЧЕК

● 4-махсус қурилиш трести жамоаси шаҳардаги 4-болалар шифохонасига 50 минг сўм пул ёзилган чекни топширишди.

ШИФОХОНА маъмурияти бу пулга бемор болалар учун китоблар, ўйинчоқлар, расм чизиш воситалари харид қилмоқчи. Қурувчилар бундан кейин шифохона биноларини таъмирлашга ҳам ёрдамлашиш ниятидалар.

ҒОЛИБ ТАЛАБАЛИККА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

● Ангрендаги 6-мактаб ўқувчиси Руслан Магдеев Тошкент давлат ҳуқуқшунослик институтининг биринчи курсига қабул қилинди.

РУСЛАН яқинда пойтахтда бўлиб ўтган ёш ҳуқуқшунослар олимпиадасининг ғолиби бўлди. Кўрикда 80 дан зиёд талаба иштирок этди. Мутахассислар Русланнинг жиноятчиликка қарши кураш, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш муаммолари ёритилган рефератини яхши баҳолашди. Унга биринчи даражали диплом ва пул мукофоти ҳам берилди.

МАҲАЛЛАДОШЛАРГА ЕДГОРЛИК

● «Самарқанд дарвоза» маҳалла аҳли урушда ҳалок бўлган юртдошларига ёдгорлик ўрнатди.

ИНШООТНИ тиклашга «Олимп» ўзбек-америка қўшма корхонаси ва БЕК—ЛТД фирмаси қарашиб юборди. Шу куни ҳомий ташкилотлар уруш ветеранлари, байналмилалчи жангчилару уларнинг оилаларига қимматбаҳо совғалар улашди. Кўпболали, камтаъминланган етти оилага пойабзалу велосипедлар топширилди.

УКРАИНА ШИШАЛАРИ МУЗЕЙГА ҚУЙИЛДИ

● «Миконд» заводи музейидан Киев бадиий шиша корхонаси маҳсулотларининг намуналари ўрин олди.

УКРАИНАЛИК шишасозлар довруғи океан орти мамлакатларига ҳам етиб борган. Собиқ иттифоқ республикаларидаги турдош корхоналар учун бу даргоҳ малака ошириш маркази бўлиб қолганди. Тошкентлик шишасозлар жаҳон бозорида эҳтиёж катта бўлган Украина маҳсулотларини келтиришларидан мақсад шундай нодир буюмлар ясаш сирларини ўрганишдир.

КОРЕЯ ТИЛИНИ ЎРГАНИШМОҚДА

● Шарқшунослик институтида Кореяшунослик факультети очилди.

ИНКАЛА мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқалари ўрнатилгандан кейин шундай хайрли ишга қўл урилди. Ҳозир саралаб олинган бир гуруҳ йигит-қизлар Корея тили ва адабиётини ўрганишаяпти.





ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. Ўрта Чирчиқ райони «Ким Пен Хва» ҳалқ корпорациясида кичик корхоналар ташкил этишга катта эътибор берилмоқда. Айни пайтда бу ерда кунига тўрт тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган кичик ёғ заводи ишлаб турибди. Ҳом ашё шу ернинг ўзидан чиқмоқда. Бундан ташқари корпорацияда консерва заводи ҳам фаолият кўрсатмоқда. Кичик ип-газлама корхонаси қурилиши ҳам охирлаб қолди.

СУРАТЛАРДА: Ёғ заводи цехларида.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

«ТМК» — ТОШКЕНТЛИК. МОСКВАЛИК. КУБАЛИК ДЕГАНИ

Андижонликлар кам уруғли, гўштдор, тиниқ рангли помидорнинг янги навига «ТМК-22» деб ном беришди. Бошқачароқ қилиб айтганда, уни тошкентлик, москвалик ва кубалик селекционерлар яратдилар.

У иссиққа чидамлилиги, ҳосилдорлиги билан ажралиб туради. Барглариннг қалин бўлиши эса офтоб уришидан сақлайди. Меваси ўртача 100—120 грамм тош босади. Шуниси муҳимки, ўсимликка ишлов бериш вилоятда қабул қилинган технология асосида амалга оширилади.

Ш. ФОЗИЛЖОНОВ.
«Халқ сўзи» мухбири.

Совет раҳбарлик системасини аравانинг бешинчи ғилдирагига ўхшатишган. Менинг назаримда бу система аравага қўндаланг ўрнатилган бешинчи ғилдирак эди. Ҳаётимизни яхшиланишига, жамиятимизни ривожланишига фақат тўсқинлик қилиб келган.

Эркин ВОҲИДОВ.

Дадахон НУРИЙ

Эгасизлик ҳуқуқи

БЎСТОНЛИКда Тоҳиржон деган танишим бор. Шундоқ ҳовлисининг ёнидан катта асфальт йўл ўтган. Йўлнинг нариги томони баланд дўнглик. Дўнгликни ялаб, шиддат билан Чирчиқ дарёси оқади. Дарё лаби ёзда жазирама бўлиб ётади. Негадир ҳеч ким селка қилиб бирон дарахт экмаган.

Бир кун Тоҳиржонга:

— Миришкор одамсиз, анаву сув ёқасига қаторлаштириб ёнғоқми, ўрикми экиб ташласангиз бўлмайдими? Аввало қирғоқ мустаҳкам бўлади—ювилиб кетавермайди. Қолаверса ўша томон соя-салқин бўлиб, файз киради, ўтганкетган ҳаққингизга дуо қилади, — дедим.

— Бўлмайди-да, — чўрткесарлик билан жавоб қайтарди у, худди мен бирон қалтис гап айтиб қўйгандай, — ўзлаштириб олди деб устимдан ёзишади... Ёзмаслик учун атрофдаги одамларнинг ҳаммасини шу ишга жалб этиш керак.

— Нима бўпти, жалб этинг!...

Хабарим бор, ошнам кўп овора бўлди. Лекин ҳеч ким кетмон, белкурак кўтариб дўнгликнинг орқасига ўтмади.

Шундан кейин таваккал дедида, Тоҳиржоннинг ўзи ишга киришди. Сув оқизиб келиб, қирғоққа чиқариб ташлаган тошлоқ «майдонча»га тупроқ тўшади. Ўтганкетган шофер йигитларга ялинибёлвориб, бир кун ўзларинг шу сув бўйида ҳордиқ чиқарасанлар, деб тоғдан ҳарсанг келтирди, сув ювиб кетмасин деб атрофга териб чиқди.

Хуллас, одамнинг қўли гул деганларидек, озгина вақт ўтиб-ўтмасдан Чирчиқ қирғоғида сўлим бир гўша пайдо бўлди. Лекин бу Тоҳиржонга қувонч эмас, ташвиш келтирди. Худди айтганидек «хабарчи»лар давлат ерини ўзлаштириб олди деб, устидан ёзишибди. Ҳамон ёзишмоқда.

Қарийб бир ярим чақиримли яйдоқ бўлиб ётган дарё бўйини мевазорга буркаш орзусида юрган дўстимнинг ҳозир ҳафсаласи пир бўлган.

Ўйланиб қоламан: одамларимизга нима бўлган ўзи. Ахир, ота боболаримиздан қолган удум бор: кимки кўчат ўтқазаётган бўлса, унга баҳоли қудрат яхши ният дея ёрдам берилган, ёки «ҳорманг, барака топинг» деб кўнгли кўтарилган, кексалар дуо қилишган. Яшнаб турган бирон дарахтни қаровсиз қолдириш, қуриб қолишига йўл қўйиш гуноҳи азим ҳисобланган. Нега бизда бировнинг кўнглини кўтаришдан дилозорликни афзал кўрувчи, гуноҳдан ҳайиқмовчилар кўпайиб кетди?!

Бундан уч йилча муқаддам «Правда»да унча катта бўлмаган мақола босилиб чиққанди. Унда (худди Бўстонлиқдагидай) «давлат ерини эгаллаб олган» ён қўшниси устидан «шикоят» йўллаган кишининг хати ва шу хат юзасидан текширув ўтказган муҳбирнинг шарҳи босилганди.

Рўзнома ходими кўрсатилган манзилгоҳга бориб, қарама-қарши манзарани гувоҳи бўлади: иккита бир хил ҳовли, томорқаси ҳам теппа-тенг. Биринчи уй атрофи қаровсизликдан ўт-ўлан, қамиш қоплаб ётибди. Унга қинғир-қийшиқ ёғоч «йўлак»дан бир амаллаб кирилади... Ёнидаги ҳовлида эса, бутунлай бошқача манзара: томорқага яхшилаб ишлов берилган, турли резавор ўсимликлар барқ уриб яшнаб ётибди... Кўча дарвозаси олдига бир нечта мева дарахти, анвойи гуллар ўтқазилган.

Мухбир «хабарчи» кимсанинг турқи-ангори, яшаш шароитини тасвирларкан, куйиниб қачон ўзимиз, бола-чақамиз учун жон куйдириб ишлашга, ҳеч бўлмаса, шундай фазилатли кишиларга ҳалақит бермасликка ўрганамиз дея жиғи-бийрони чиқади. Сўнг, ишнинг кўзини билган меҳнатсевар кишиларни кўролмаслик, улар устидан шикоятлар уюштириш иллати бизда қачондан буён пайдо бўлиб қолди, дейди.

Аслида бу сўзларни қарийб етмиш йил давомида Қизил империянинг ашаддий ноғорачиси бўлиб, одамлар онгига «хусусий эгалик капитализмга, коллектив эгалик социализмга хосдир» деган ғояларни сингдириб келган рўзнома-да эълон қилиниши ажаб бир ҳолдир. Демак бу «иллат» уруғи қаердан ниш уриб чиққанлиги маълум!

Баъзан ўйлаб қоламан: боболаримиз анойи эмас, биздан тийракроқ, узоқни кўра биладиган зукко одамлар бўлишган экан. Бекорга ҳамма «битта кўрпада ётадиган» тўзумга қарши курашмаганлар. Бунинг асл моҳияти нимадан иборат бўлганлигини энди мустақилликка эришиб, кўзимиз очилгач, кўриб-билиб турибмиз. Қарийб чорак кам бир аср давомида «умумий кўрпа» ачиб-бижиб, унинг остида не-не иллатлар урчиб, боламади, дейсиз. Булар ичида энг даҳшатлиси, ўша социализмга хос «Умумҳалқ эгалиги умумҳалқ эгасизлиги» (Э. Воҳидов) бўлиб, одамлар онгини пароканда қилиб юборди. Ҳамма эгасиз юртнинг фуқаролари бўлиб қолди. Зеро шоиримиз айтганидек, инсонни мол-дунё эмас, нотўғри тарбия, ҳақсизлик бузади.

Бизларни «бузиб» ташлаган нарса ҳам мана шу мавҳум эгасизлик сиёсати бўлди. Яъни «Ҳамма нарса давлатники, давлат ҳам ҳамманики...» Ибтидоий жамоа русумини эслатадиган мана шу йўл-йўриқ бутун бир мамлакатни эгасиз юртга айлантириб қўйишда бош «мезон» вазифасини ўтади.

Инсоннинг эрки, яратувчанлик фаолияти «умумлаб» қўйилган жойда ҳеч қандай юксалиш, ривожланиш бўлмайди. Хусумат, аламзадалик, бахиллик, риёкорлик иллатлари авж олади.

Бир биринг устидан ҳужжатлар йиғиб маълум идораларга жўнатиш Совет империясининг фуқаролар тафаккурига сингдиролган энг муҳим тарбияларидан бири эди.

Атрофдан кўз-қулоқ бўлиб туриш «тарбияси»ни олган «хабарчилар»нинг ҳар даврга хос ўз авлоди етишиб чиққан. Биргина ўтгизинчи йиллардаги «тройка» («учлик») кампанияси даврида тўрт миллион «хабарчи»нинг «холис хизмат» кўрсатганлиги расман эълон қилинди. Унинг бизда ҳам авжга чиққан «изғирини» қанчақанча одамларни қон қақшатмади, миллатимизнинг ғурури бўлган не зотларни тутдай тўкмади, дейсиз.

Олтмишинчи йиллардан бошлаб «хабарчи»ликнинг янги — «думалоқ хат» шакли пайдо бўлди. Етмишинчи-саксонинчи йилларга келиб роса авж олди. Ҳали-ҳали айрим кишилар вужудида тутқаноқ дардидек қўзиб қоладиган бу эскича иллатнинг кескир қиличдай шашти пасайгани йўқ.

Тоҳиржонга ўхшаш эзгуликка бел боғлагану ғийбат «хабарчи»лари (негадир улар аксар ҳақ бўлиб чиқаверадилар)нинг дастидан ҳафсаласи пир бўлиб қўлини қўлтиққа урганлар жумҳуриятимизнинг ҳар минтақасида сон минглаб топилади.

Ўшандай, йўлига ғов солинганлардан бири — шу ноҳияли Турғун ака Эргашевни яхши биламан. «Менинг бошимга тушган савдоларни душманимга ҳам раво кўрмайман», дейди у киши ўша кунларни эслаб.

Хўш, бу одамнинг айби нимада эди?

У ёшлигидан ерга, ўз қишлоғига, атрофдаги тоғларга меҳр қўйиб ўсган. Кекса отасининг кўп қайтарадиган бир гапи бўларди: «Кимки гиёҳ ўсмас, одамлар назаридан қолган тақир бир жойда дарахт кўкартириб, унинг меваси-дан кишиларни баҳраманд этса, савоби Маккаю Мукаррамага бориб келган билан баробар бўлади». Турғун ака волидининг насиҳатномо қилиб айтган мана шу сўзларини бир кунмас бир кун амалга оширишни кўнглига тугиб қўйганди. Савоб учун боғ яратиб берай деб совхоздан озгина ер сўради. Йўқ дейишди. Шундан кейин «одам қадами етмас» икки тоғ наридаги Жаркўчанга борди. Атрофни айланиб кўздан кечириб чиқди. Тупроғи уқаланиб кетган ғиштникидай қип-қизил. Бундай тупроқни шуха дейдилар, унда ҳеч нарса ўсмайди... Бироқ Турғун ака худди мана шу ерни танлаб, одамларни қойил қолдирмоққа бел боғлади.

Ўшанда айни баҳор эди. Кўчкуронини аравага юклади, болаларини ўтқазди. Жаркўчанга етиб келиб, анча юқоридаги булоқ бўйига чодир тикди. Оиласи катта эмасми, ҳар бир боласига қатъий вазифа тақсимлаб берди: кунига иккитадан чуқур қавлаб, уларни унумли тупроқ билан тўлдириш ва икки қулочдан ариқ қазиш... Кузгача бутун хонадон аъзолари фақат шу иш билан банд бўлди. Турғун аканинг ўзи булоқ сувини тоғ бағрлатиб бўлажак боғ томон олиб келиш ташвишида юрди.

Аммо ўша йили куз барвақт тушиб, ниҳол ўтқазишга тайёрлаб қўйилган чуқурчалар қалин қор остида қолиб кетди.

Келаси баҳор чиқиб қарашса, «ўра»лардан ном-нишон қолмабди. Ахир Жаркўчган деб бежиз айтилмаганда! Лекин Турғун ака изидан қайтадиганлар тоифасидан эмасди. Ўғилларининг ҳам «феъли» ўзига тортган. Яна ишга унаб кетишди. 1973 йилнинг кузида Жаркўчганга дастлабки беш юз туп ҳар-хил мева кўчати ўтқазилди. Баҳорга чиқиб уларнинг сони яна ортди ва ортиб бораверди...

Икки-уч йил ўтиб боғ шундай кенгайиб кетдики, ундаги дарахтларга булоқнинг суви камлик қиладиган бўлиб қолди. Шунда Турғун ака биринчи марта резина ичакдан фойдаланиб, томчилатиб суғориш усулини қўллади.

«Лесхоз»нинг Тураш «ваҳма» деган масъул ходими Жаркўчганда боғ-ўрмон пайдо бўлиб қолибди деб гап тарқатганда аввал ҳеч ким ишонмади. Бу собиқ Хўжакентли Бурхонкалнинг бошида соч пайдо бўлиб, елкасига тушибди, эстрада қўшиқлари айтиб юрганмиш деган билан баробар эди... Аслида Жаркўчганга дастлаб экилган ўрик, олма, шафтоли, нок, гилос, бодом каби дарахтлар шиғил ҳосилга кирганди.

Турғун ака бутун бригада (у ўз оиласини шундай деб атарди) аъзоларининг сайъи-ҳаракати билан яратган боғини элга кўз-кўз қилмоқчи, мана кўринглар ҳалойиқ, озгина меҳнат билан бутун Бўстонлиқ тоғларини жаннатга айлантириб юбориш мумкин демоқчи бўлди. Дарвоқе, унинг нияти ўз пешона тери билан етиштирган ҳосилдан кўпчиликни баҳраманд қилиш эди-ку! Шу мақсадда кўпни кўрган ҳамқишлоқ қарияларни, таниш-билиш тенгдошларини жонлиқ сўйиб Жаркўчганга чорлади. Меҳмонлар боғни, картошка, сабзидан тортиб, турли доривор ўсимликлар ўстирилаётган томорқани кўриб ҳаваслари келди, миришкорга тасанно айтдилар. Тураш «ваҳма» Бўстонлиқ раҳбарлари номидан қандайдир орден билан тақдирлашга ваъда ҳам бериб юборди... Хуллас, шундоқ булоқ суви ёғоч тарновдан шариллаб оқиб турган ҳовуз лабидаги шийпонда зиёфат, гурунг алла маҳалгача давом этди.

Бироқ, ўша кечаси боғ этагидаги эндигина ҳосилга кира бошлаган ёнғоқзор томондан уккининг одам юрагига ваҳима солувчи нохуш овози эшитилаверди. Турғун ака бу касофат қайдан келиб қолди деб ўчоқ ёнидаги касовни ўша томонга отди. Кесак улоқтирди ҳам бўлмади. Негадир алла маҳалгача ухлолмай чиқди.

Эрталаб қараса, қўлбола «ферма»сидаги сигирлардан бири бедазорда қорни шишиб, ўлиб ётибди. Унча хафа бўлмади, келган бало даф бўлсин деди-да, ўғилларини чорлаб, пастдаги жарликдан хандак ковлаттирди.

Аммо, шу билан «бало» даф бўлгани йўқ. Орадан кўп ўтмай уни Ғазалкентга чақиртиришди. Устингиздан шикоят бор, давлат ерини ўзлаштириб олибсиз дейишди.

Турғун ака ҳам бўш келмади:

— У ерга инқилобдан аввал ҳам, ундан кейин ҳам ҳеч кимнинг назари тушмаган. Одамлар боришга қўрқишган. Мен боғ қилдим, экинзор қилдим, саксон яшик асалари боқяпмиз. Беш-олти йил аввал у ернинг аҳволини бир кўрганингизда эди...

— Мен кўриб нима қилдим. Мана, кўрганлар ёзишибди!—тарғибот ва ташвиқот ишлари бўйича котиб тап этиб қўли остидаги қоғозга кафти билан уриб қўйди ва худди ўқигандай қилиб тушунтирди.— Шахсий бойлик орттириш йўлида давлат ерини ўзбошимчалик билан эгаллаб олгансиз, — сўнг қатъий оҳангда таъкидлади. — Бу ҳужжат! Биз ўрганиб-ишлаб чиқиб, чора кўришимиз керак! Биласиз, меҳнаткашлардан тушган шикоятни жавобсиз қолдириб бўлмайди!

— Шахсий бойлик орттириб мен нима қилибман. Нимани етиштираётган бўлсак одамларга — ўша сиз айтган меҳнаткашларга топширяпмиз-ку, ахир! Ҳужжат керакми, мана, марҳамат, менда ҳам бор!

Котиб Турғун Эргашевлар хонадони томонидан Чорбоғ ишчилар таъминоти бўлимига энг арзон баҳода бир тонна асал, икки ярим тонна сут, тўрт тонна гўшт топширганлик ҳақидаги муҳр босилган далолатномани кўриб, сал шаштидан тушди, қаршисида ўтирган оддийгина кийинган, кўриниши ҳам содда/кишига манодор қараб қўйди:

— Бу маҳсулотни ҳаммасини бир ўзингиз шу бир йил ичида топширдингизми?

— Ҳа, оила катта. Тўққиз жонмиз. Болаларим меҳнаткаш. Ўшаларнинг ҳаракати билан... Ҳали мева-чеваларни узганимиз йўқ. Уларнинг бир қисмини консерва заводига топширмоқчимиз.

Котиб қойил дегандай, тунд чеҳраси очилиб, кулиб юборди ва деди:

— Бунақада қанча техника, қанча ишчи кучи, миллионлаб маблағни ишга солиб ўзини ўзи эпломаётган совхоз раҳбарларини уялтириб қўясиз-ку! Ё, иш тажрибангизни бутун районга ёйяликми?

— Менинг иш тажрибам — оддий меҳнат! Буни ҳамма билади.

Котиб ўзингиз биласиз, дегандай у билан хайрлашаркан, кўрсатгич бармоғини «қилич» қилиб таъкидлади:

— Лекин ер давлатники! Шахсий мулк эмас! Шунинг учун етиштирилган ҳар қандай маҳсулотни давлатга топшириб туришни унутманг!

Иккинчи «шикоят—думалоқ хат» бир йилдан кейин тушди. Район прокуратурасидан келиб, нималарнидир ёзиб кетишди... Лекин Жаркўчганда иш бароридан келиб, асал, сут, гўшт, мева кўпайиб бораверди. Бу кимларнидир ғашини келтирарди.

Шундан кейин яна «совхознинг Жаркўчган ерларини эгаллаб олиб, ўз мақсади йўлида аёвсиз фойдаланиб келаётган Турғун Эргашев» устидан обком, Марказком каби қатор юқори идораларга имзосиз хатлар тушди.

Бу энди жиддий масала эди. Райондаги «биринчи» раҳбарнинг шахсан ўзи «фермер» (у пайтларда бу сўзнинг айтилишининг ўзи даҳшат эди!) Турғун ака ҳузурига ташриф буюрди.

— Йўқ, биз капиталистик иш юритишларга йўл қўймаймиз! — деди у чўрткесарлик билан.

Шундан кейин Жаркўчган мисли кўрилмаган даражада «гавжум» бўлиб қолди. Бу ном ўнлаб ҳужжат саҳифаларини «безай бошлади». Текширувчилар ҳар бир нарсадан айб топишга ҳаракат қилишарди: уй нима ҳисобига қурилган, айвонни кім, қанчага бўяган... Моллар чиндан ҳам ўзидан-ўзи кўпайганми... Ҳатто, моғорлаб қолмасин деб атрофга ёйиб қўйилган, тўйдан ортган ўн-ўн бешта нон учун ҳам Турғун аканинг жавоб беришига тўғри келди.. Сўнгра бутун қиш бўйи район, область, тасарруфидаги сон-саноқсиз, фақат бири-бирининг ишини такрорлайдиган маҳкамаларга чақираверишди, чақираверишди... Баҳорда ҳам тинчлик бе-ришмади.

Охири «думалоқ хат» юборган «хабарчилар» «ҳақ» бўлиб чиқди. Жаркўчган боғи у ердаги барча мол-мулк давлат ҳисобига мусодара қилинди. Қайсидир автобаза маъмуриятига «дам олиш зонаси» сифатида хатлаб берилди.

Турғун ака ҳудога солдим деди-да, бирон чўпга ҳам давогарлик қилмай, ўз меҳнати, меҳр қўри билан бунёд этган гўзал маскандан чиқиб кетди.

Табиат ҳам дастлаб меҳр қўлини чўзган ўз халоскорини қўмсаркан. Ўша йили ҳеч юз бермаган ҳодиса бўлиб, булоқ суви тортилиб қолди. У қирғоқдан бу қирғоққа сим тортиб ўтқазилган сув ҳайдовчи тарновлар узилиб тушаверди. Дарахтлар қурий бошлади. Молхонанинг томи босиб қолди. Хуллас олдинги йиллар кўпчиликка ризқ улашиб турган Жаркўчган «хўжалиги» мусодара қилинди-ю, давлатнинг ўзига боқимонда бўлиб колди.

Йиллар ўтиб Жаркўчган хазон бўлган боғ-у, ўғри талаб кетган хонадонга ғазалкентга чақиртиришди. Устингиздан шикоят бор, давлат ерини ўзлаштириб олибсиз дейишди.

Турғун ака ҳам бўш келмади:

— У ерга инқилобдан аввал ҳам, ундан кейин ҳам ҳеч кимнинг назари тушмаган. Одамлар боришга қўрқишган. Мен боғ қилдим, экинзор қилдим, саксон яшик асалари боқяпмиз. Беш-олти йил аввал у ернинг аҳволини бир кўрганингизда эди...

— Мен кўриб нима қилдим. Мана, кўрганлар ёзишибди!—тарғибот ва ташвиқот ишлари бўйича котиб тап этиб қўли остидаги қоғозга кафти билан уриб қўйди ва худди ўқигандай қилиб тушунтирди.— Шахсий бойлик орттириш йўлида давлат ерини ўзбошимчалик билан эгаллаб олгансиз, — сўнг қатъий оҳангда таъкидлади. — Бу ҳужжат! Биз ўрганиб-ишлаб чиқиб, чора кўришимиз керак! Биласиз, меҳнаткашлардан тушган шикоятни жавобсиз қолдириб бўлмайди!

— Шахсий бойлик орттириб мен нима қилибман. Нимани етиштираётган бўлсак одамларга — ўша сиз айтган меҳнаткашларга топширяпмиз-ку, ахир! Ҳужжат керакми, мана, марҳамат, менда ҳам бор!

Котиб Турғун Эргашевлар хонадони томонидан Чорбоғ ишчилар таъминоти бўлимига энг арзон баҳода бир тонна асал, икки ярим тонна сут, тўрт тонна гўшт топширганлик ҳақидаги муҳр босилган далолатномани кўриб, сал шаштидан тушди, қаршисида ўтирган оддийгина кийинган, кўриниши ҳам содда/кишига манодор қараб қўйди:

— Бу маҳсулотни ҳаммасини бир ўзингиз шу бир йил ичида топширдингизми?

— Ҳа, оила катта. Тўққиз жонмиз. Болаларим меҳнаткаш. Ўшаларнинг ҳаракати билан... Ҳали мева-чеваларни узганимиз йўқ. Уларнинг бир қисмини консерва заводига топширмоқчимиз.

Котиб қойил дегандай, тунд чеҳраси очилиб, кулиб юборди ва деди:

— Бунақада қанча техника, қанча ишчи кучи, миллионлаб маблағни ишга солиб ўзини ўзи эпломаётган совхоз раҳбарларини уялтириб қўясиз-ку! Ё, иш тажрибангизни бутун районга ёйяликми?

— Менинг иш тажрибам — оддий меҳнат! Буни ҳамма билади.

Котиб ўзингиз биласиз, дегандай у билан хайрлашаркан, кўрсатгич бармоғини «қилич» қилиб таъкидлади:

— Лекин ер давлатники! Шахсий мулк эмас! Шунинг учун етиштирилган ҳар қандай маҳсулотни давлатга топшириб туришни унутманг!

Иккинчи «шикоят—думалоқ хат» бир йилдан кейин тушди. Район прокуратурасидан келиб, нималарнидир ёзиб кетишди... Лекин Жаркўчганда иш бароридан келиб, асал, сут, гўшт, мева кўпайиб бораверди. Бу кимларнидир ғашини келтирарди.

Шундан кейин яна «совхознинг Жаркўчган ерларини эгаллаб олиб, ўз мақсади йўлида аёвсиз фойдаланиб келаётган Турғун Эргашев» устидан обком, Марказком каби қатор юқори идораларга имзосиз хатлар тушди.

Бу энди жиддий масала эди. Райондаги «биринчи» раҳбарнинг шахсан ўзи «фермер» (у пайтларда бу сўзнинг айтилишининг ўзи даҳшат эди!) Турғун ака ҳузурига ташриф буюрди.

— Йўқ, биз капиталистик иш юритишларга йўл қўймаймиз! — деди у чўрткесарлик билан.

Шундан кейин Жаркўчган мисли кўрилмаган даражада «гавжум» бўлиб қолди. Бу ном ўнлаб ҳужжат саҳифаларини «безай бошлади». Текширувчилар ҳар бир нарсадан айб топишга ҳаракат қилишарди: уй нима ҳисобига қурилган, айвонни кім, қанчага бўяган... Моллар чиндан ҳам ўзидан-ўзи кўпайганми... Ҳатто, моғорлаб қолмасин деб атрофга ёйиб қўйилган, тўйдан ортган ўн-ўн бешта нон учун ҳам Турғун аканинг жавоб беришига тўғри келди.. Сўнгра бутун қиш бўйи район, область, тасарруфидаги сон-саноқсиз, фақат бири-бирининг ишини такрорлайдиган маҳкамаларга чақираверишди, чақираверишди... Баҳорда ҳам тинчлик бе-ришмади.

Бу шиор ҳар қандай табиий офатдан ҳам даҳшатлироқ, ўз йўлида дуч келган жамийки нарсани йўқ қилиб кетадиган омонсиз довул эканлигини Жаркўчган мисолида кўриб турибман.

Мен бу «давлат мулки»да узоқ ушланиб қолмадим. Назаримда, вақт қоқ пешин бўлишига қарамай, ҳали қуримай қолган пастдаги ёнғоқзордан уккининг ваҳимали овози эшитилгандай бўлаверди. Тезда орқамга қайтдим. Чорбоғдан сўраб-суриштириб, Турғун ака Эргашевни топдим...

Турғун аканинг ҳовлиси Чорбоғ шаҳарчасининг энг юқори «нуқтаси» — тоғ ёнбағрида экан. Ҳаммаёқ катфдагидек, кўз олдингизда намоён.

Маълум бўлишича у киши бир йилдан бери фермер, шахсий хўжаликни бошқармоқда.

— Олти ўғлим, олти келиним бор, чол-кампир деганларидек, ҳаммамиз ўн тўрт кишимиз. Набиралар ҳам қўлига кетмон тутадиган бўп қолган. Уларни ишлатиб турмаса бўлмайди, ҳозир замон жуда ғалати, ёшларни меҳнатдан чиқариб қўйди. Ҳай-ҳай деб турмасангиз осон пул топиш йўлига ўтиб кетади... Айтганча, ўтган йили «Хўжакент» давлат хўжалигига қарашли ҳов, тоғлар орасидан олти гектар ерни шартнома бўйича ижарага олгандик. Аммо раҳбарлар, бирдан бойиб кетмасин деб ўйлашди шекилли, ерни фақат ярмини беришди. Ўшанга ҳам шукур деб, буғдой, беда ва бошқа озуқа экинлари экдик. Даромадимиз ёмон бўлмади: етти тонна ғалла кўтардик, мол ва йилқиларга етиб-ортадиган емиш ғамлаб олдик. Йигирмага яқин отимиз бор, шунга яраша мол-ҳол дегандай. Давлатга икки тонна қимиз, шунча сут, уч тонна гўшт топширганмиз... Ғазалкентда яқинда фермер—ишбилармонлар учун банка очилди. Энди пулни ўша ердан оламиз... Олганимиз билан нима бўларди. Бултур ўн етти мингга деб қоғоз ёзиб беришган қимизнинг пули ҳозир бир юз етмиш сўмнинг ўзи-ку! Майли, худо хоҳласа, ишларимиз яхши бўлиб кетади...

Мен суҳбатдошимдан фермaнинг ҳозирги ишлари ҳақида сўрадим.

— Тўрт гектар ерга буғдой экиб қўйганмиз. Янги трактор сотиб олдик. Ўтган йилги буғдойимиздан қолганини тегирмонда торттириб ун қилиб қўйдик. Чорбоғда нонвойхона очиб, халққа арзон баҳода тандир нони етказиб бермоқчимиз. Ёғи билан гўшт, қимиз сотадиган ўз дўконларимиз ҳам бўлади. Қурилиши битай деб қолди. Ҳозир шуларни қандай ташкил этиш йўлларини ўрганиш учун ўғлим Шокиржон Тошкентда юрибди.

— Яна устингиздан ёзишларидан қўрқмайсизми?

Турғун акага бу саволим сал малол келгандай бир ғалати бўлиб кетди. Кейин босиқлик билан жавоб берди:

— Қўрқмайман энди. Ҳозир давр ўзгарди. Лекин шуни алоҳида ёзиб қўйинг: бизни шу кунларга тушиб қолишимизда ғийбатчиларнинг «хизмати» жуда катта. Улар кўринмас бало! Назари қаерга тушса-қуритади, одамга қадалса- ўлдиради. Энди улар ошкоралик баҳона хат ёзиш усулини сал ўзгартиришибди. Кўпчилик номидан деб имзо тўплашади-да, турли маҳкамаларга жўнатишади... Яна эринмасдан, ўз вақтини сарфлаб, бошқаларни ишдан қолдириб, текширувчилар келади. Энди бунга чек қўйиш керак. «Шикоят» тасдиқланмаса, уни ёзгану қўл қўйганларни жазолаш лозим. Кетган сарф-харажатни, «ўғирланган» вақтни ҳам пулга чақиб, улардан ундириш керак. Ахир қачонгача ёзган ҳақ, эртадан-кечгача меҳнат қилиб, тер тўккан ноҳақ бўлиб чиқаверади.

Назаримда Турғун аканиг куйиниб айтган гапларида жон бор. Биз баъзи одамлар онгига чуқур илдиз отиб кетган, узоқ йиллик империядан қолган айғоқчиликка ўхшаш мерос — бир-бирининг устидан ёзма туҳмат йўллаш иллатидан қанча тезроқ форғ бўлсак, юртимиз шунча тез обод бўлади, одамларимиз қалбида бир-бирига меҳр-оқибат куртаклари барг ёзади.

Суҳбатдошимнинг хаёлчан юзларига тикиларканман ундан сўрадим:

— Ҳозир Ўзбекистонимиз маълум даражада иқтисодий қийинчиликларни бошидан кечирмоқда. Ўзингизга ўхшаш фермер — ишбилармонлар янада кўпайса турмушимиз яхшиланиб кетишига ишонасизми?

— Мен аввало, бир ёзувчимиз таърифлаганидек «деҳқон унутиб далада қолдирган кетмонининг дастасида баҳорда гул пайдо бўлиб, ёзда мева тугадиган сахий ер»да яшасаг-у, дастурхонимиз бу даражада файзсиз бўлиб қолаётганига тушунмайман! Бизнинг ризқу рўзимиз фақат боғларда. Инсон учун барча керакли ноз-неъмат мана шу заминимизда ўсади. Бизлар фақат қадрига етмаймиз, холос! Ҳамма боласи, набираси, ҳеч бўлмаса ўзи учун бир тупдан кўчат эксин! Бирон жойда бўш ер қолмасин. Кўчат экишга ҳеч қандай монелик қилинмасин. Кимки, одамлар рисқи бўлган бирон туп мевали дарахтни кесса ёки унга шикаст етказса катта миқдорда жарима солиш қонуни кучга киритилсин. Қизиқ, нега ит-мушук каби ҳайвонларни ҳимоя қилайлик деб, уларнинг шифохонасигача телевизорда кўрсатишади. Балки, бу одамларда раҳм-шафқат ҳиссини уйғотишга чақириқдир! Лекин боғларни пайҳон қилаётганларни ким инсофга чақиради? Биз мана шулар ҳақида жиддий ўйлаб кўрмас эканмиз, иқтисодий тақчилликдан чиқишимиз қийин... Фермерлик ҳақида гапирадиган бўлсам, бу соҳа тез суръатлар билан ривожланиши керак. Фақат ҳақиқий меҳнаткаш, ишнинг кўзини биладиганлар бу йўлга қўл урсин! Ҳаваса ер олиб қўйиб, қўлидан ҳеч нарса келмай юрган Россиядагидек чаладеҳқон «фермерлар»дан худонинг ўзи асрасин!

— Тақчилликдан чиқиш ҳақидаги фикрингиз сизларга қўшни Нанай қишлоғидаги хўжалик раҳбари марҳум Толибжон ака Назаровнинг ташаббусини эслатади. Ҳар йили айни қурт даҳага кирган маҳал барг етишмаслиги, қишлоқма-қишлоқ югур-югурлардан безор бўлган директор қаердаки қаровсиз бўш ётган ер бўлса, ҳар ким кўчат экиб, ўзига тутзор яратиб олсин, ҳеч қандай монелик қилинмайди дея хўжалик бўйича буйруқ чиқаради. Албатта, ўшанда Толибжон акани ҳам совхоз ерларини «талон-тарож қилиш»да айбланганлар кўп бўлганди. Лекин орадан икки-уч йил вақт ўтиб-ўтмай нанайликлар барг муаммосидан кутулгандилар. Ҳозир бу соҳада уларга ҳамманинг ҳаваси келади.

— Гапингизга тушундим. Бизда ҳам ўша ташаббусни мевали кўчат ўтқазиш бўйича бутун республикада амалга ошириш керак. Алоҳида Қарор чиқарилиши лозим. Бу халқни ташаббускорликка чорлайдиган, унинг дастурхонини бойитадиган энг савобли Қарор бўлади. Уни ҳамма бир ёқадан бош чиқариб бажаради. Бу хайрли ишга, кечиктирмасдан президентимиз бош қўшса яхши бўларди. Уч йиллардан сўнг бозорда олманинг баҳоси 400 сўм, туршакнинг нархи 900 сўмга чиққанлигини ишонқирамай эслайдиган давр бошланади.

— Гап айланиб боққа тақалган экан, сўрамоқчи эдим: Жаркўчганга ўтиб турасизми?

— Йўқ. Ўн икки йил бўлди у ердан чиқиб кетганимга. Лекин тушларимга кириб чиқади.

— У ерда ҳозир сиз эккан дарахтлардан бир нечтаси қоптн. Агар бормасангиз улар ҳам қурийди.

— Жуда зада бўлганман, ука! Кейин ҳозир у ер давлатники-ку!

— Жаркўчгандан «давлат» ҳам кечиб юбор

САЛОМАТЛИГИНГИЗ ЯХШИМИ, МАҲАЛЛАДОШИМ!

Пойтахтимизнинг Акмал Икромов районидаги Катта Қаъни маҳалласида бир сменада 600 беморга хизмат кўрсатишга мўлжалланган поликлиника ўз фаолиятини бошлади.

Замонавий тиббиёт асбоблари билан жиҳозланган мазкур шифо масканида нафақат беморларга ташҳис қўйилиб, маслаҳатлар берилади, балки, енгил жарроҳлик муолажалари билан бир қаторда Шарқ табобати усулида даволаш ишлари ҳам режалаштирилган.

Мазкур сиҳатхона республикамиз мустақилликка эришгандан буён Акмал Икромов районида қурилган учинчи шифо масканидир. Беш қаватли бу поликлиникада 25 ўринли кундузги даволаш стационари, хатнахона, зулук билан даволаш хоналари ҳам бор. Поликлиника бош шифокори Муяссар Зуфарова қуйидагиларни гапириб берди:

— Бизнинг мижозларимиз асосан мана шу Катта Қаъни маҳалласи аҳли бўлганлигидан аксарият беморлар шифокорларимизга яхши таниш. Чунки беморнинг касалини, унинг даволаниб бориш маромини яхши билиш шифокор учун енгиллик беради.

Иқтисодий қийинчиликлар, дори-дармонларнинг нархи кескин ошиши туфайли айрим поликлиникалар пулли хизматга ўтгани сир эмас. Бироқ бу саломатлик маскани бепул.

Катта Қаъни маҳалласининг кўркига кўрк қўшиб турган муҳташам бу сиҳатхонанинг Наврўзи олам кулган муқаддас айёмда ўз фаолиятини бошлашида ҳам бир ҳосият бордай...

Мавжуда ТОЖИБОЙ қизи.

ҲАР ИШДАКИМ ИНСОН КЎРСАТСА ҲИММАТ...

Истиқлол йўлини танлаган диёримизнинг келажагини илм-фан ва техника тараққиётисиз тасаввур этиб бўлмайди. Тил эса унинг ривожланиш мезонларини белгиловчи муҳим омиллардан биридир.

Давлат тили ҳақидаги қонунда белгиланган муҳлатнинг ҳам ярми ўтиб бораяпти. Уни ҳаётга жорий қилиш борасидаги аҳвол ижтимоий соҳаларга нисбатан аниқ фанларга асосланган соҳаларда жиддийроқ десам муболаға бўлмас. Лекин уларга хос умумий муаммолар мавжудки, баъзилари устида тўхталиб ўтмоқчиман. Бу муаммолар— биринчидан, фан-техника, саноат ва ишлаб чиқариш соҳаларидаги миллий тилдаги адабиёт, дарслик, қўлланма ва луғатларнинг етарли эмаслиги, иккинчидан, айрим маҳаллий зиёлиларнинг лоқайдлиги ва ялқовлиги, учинчидан, жойлардаги айрим мутасадди раҳбар ходимларнинг масъулиятсизлиги, ташаббуси ва талабчанлигининг сустлиги масаласидир.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, кейинги иккала омилсиз биринчисини, яъни энг муҳимини ҳал этиб бўлмайди. Шу боис, фикримча, энг аввало жойларда қонунни жорий қилиш учун тезкор, оқилона ва юқори самарали амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозим. Ўзбек ва рус тилларини чуқур биладиган ходимлардан самарали фойдаланиб, ташаббускор гуруҳлар тузиш ҳамда уларга зарур шарт-шароитлар яратиб берилиши лозим.

Ҳозирги иқтисодий танглик пайтида қўпгина корхона ва ташкилотлар мазкур тадбирларни амалга ошириш учун етарли маблағ тополмай қийналишлари мумкин. Аммо бундай хайрли тадбир учун ҳеч нарсани аямаслик керак. Албатта, илм-фан тил танламайди, деган мантиқий тушунча ҳам мавжуд. Лекин ҳар бир халқ, ҳар бир миллат ўз тарихи ва маданияти меросларини ўз тилида яратган, бошқа элатларнинг ютуқ ва тажрибаларини ўзларининг забонларида ўрганишган. Жаҳон фани ривожига улкан ҳисса қўшган Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Улуғбек каби улуғ аллома бобокалонларимиз илмий асарларининг бошқа тилларда чоп этилиши, ўрганилиши ва ҳозирги кунгача манба сифатида фойдаланиб келиниши фикримизнинг далилидир. Ўзингиз ўйланг, билимга чанқоқ ўсмир келажакда қобилиятли мутахассис бўлиб етишиб, мамлакат тараққиётига ҳисса қўшиши учун ўзга тилни мукаммал ўзлаштиргандан кейингина илм ўрганиши осонми ёки ёшликданоқ тилидаги илмий манбалардан фойдаланса ўнғайми? Албатта, кейингиси ҳар жиҳатдан қулай. Бу билан мен бошқа тилларни ўрганиш керак эмас, демоқчи эмасман. Бошқа тилларни ҳам ўрганиш шарт, бироқ йиллар давомида унутилаёзган ўз тилимизга нисбатан лоқайд муносабатга ҳам чек қўйилиши даркор. Илло, халқимиз сўз қадрини билмаган ўз қадрини билмайди, ўз қадрини билмаган эса ўзгалар қадрини билмайди, дея бежиз нақл қилмаган.

Ҳозирги мураккаб даврда оқилона сиёсат олиб бораётган республикамиз Президенти И. А. Каримов таъкидлаганларидек, биз ҳозир янги даврга кириб бораяпмиз, янги давр учун эса янгича мушоҳада юритадиган янги кишиларни тайёрлашимиз керак. Республика иқтисодини кўтаришда фақат четдан мол олиб келиш эмас, аксинча, четга ўзининг сифати билан жаҳон бозорида рақобат қила оладиган Ўзбекистон товарларини чиқаришимиз керак. Бу вазифаларни ҳал қилиш учун ҳам, юқори сифатли маҳсулотлар тайёрланишини таъминлай оладиган мутахассислар етишиб чиқиши учун ҳам ўз илмий тилимизни ривожлантиришимиз ва бойитишимиз даркор.

Афсуски, мана шу эзгу ишларни амалга оширишда совуққонлик қилаётган айрим маҳаллий зиёлиларимиз ҳам йўқ эмас. Улар ўз лоқайдликларини хаспўшлаш мақсадида луғатлар ва адабиётларнинг камлигини, борлари ҳам эскириб қолганини рўкач қилишади. Эмишки, айрим физик, кимёвий, техник жараён, ғоя ва ҳодисаларнинг моҳиятини ўзбек тилида баён қилиш жуда қийин, фикр ифодаланган тақдирда ҳам асл маъно тўлиқ очилмас экан.

Яна айрим тоифадаги зиёлилар борки, оғзида жуда мард, ғайратли, бу ишларни амалга ошириш учун жон фидо қилишга ҳам тайёрлар. Лекин амалий ишга келганда, ҳеч нарсадан дарак йўқ. Ҳатто уларнинг кўпчилиги оддий расмий ҳужжатларни ҳам ҳалигача рус тилида битишларига нима дейсиз?

Тўғри, тил тўғрисидаги қонун қабул қилингандан буён ўтган вақт ичида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилди. Албатта, ҳозирги кунда, айниқса етмиш йиллик мустамлакачиликнинг асорати ўлароқ, тилимиз қотиб қолган бир пайтда, мураккаб жараёнлар ва мавзуларни ўзбек тилида ёритиш анча қийин, лекин астойдил ҳаракат қилинса, ҳар қандай оғир юмушни ҳам уддаласа бўлади. Бунинг учун ҳар биримиз ўз соҳамиз бўйича мавжуд луғат ва адабиётлардан, Республика атамалар қўмитасининг матбуотда берилаётган тавсия ва мақолаларидан самарали фойдаланиб, ўз устимизда жиддий ишлашимиз лозим. Керак бўлса ўрта мактаб дастуридаги адабиётлардан ҳам фойдаланишимиз даркор. Мутасадди раҳбар ходимларнинг ўз устида ишлаши, масъулияти ва қўл остидаги ходимларга нисбатан талабчанлиги бир неча баравар юқори бўлиши даркор. Кейинги йилларда кўпгина соҳалар бўйича, жумладан, қурилиш, тиббиёт, нефть ва газ, тупроқшунослик, ўсимликшунослик каби соҳалар бўйича янги русча-ўзбекча луғатлар нашрдан чиқарилмоқда. Ана шу луғатлардан унумли фойдаланиш лозим.

Шу ўринда «Ўзбекгидрогеология» ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги гидрогеология ва инженерлик-геологияси илмий-тадқиқот илмгоҳида амалга оширилаётган ибратли ишлар хусусида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман. Бош директор Р. Ниёзов ташаббуси билан тузилган таржимонлар гуруҳи ҳозирги кунда бирлашма миқёсида Давлат тилининг жорий қилиниши бўйича самарали фаолият кўрсатмоқда. Гуруҳ аъзолари бирлашма ходимларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатибгина қолмай, балки илмий-ижодий ишлар билан ҳам шуғулланишмоқда. Жумладан, бир қанча олимлар ва иқтидорли мутахассислар ҳамкорликда жамоа тарихида биринчи марта ўзбек тилида истиқболли ечимларга эга бўлган усуллар, технологиялар, янги илмий-техник ғоялар кенг ёритилган илмий мақолалар тўпламини тайёрлашди. Мазкур тўплам «Ўзбекистонда гидрогеология, инженерлик-геологияси ва геоэкология тадқиқотларининг долзарб муаммолари» номи остида нашрга топширилди. Гуруҳ аъзолари томонидан бирлашма миқёсида бажарилган ишларга бағишланган ҳисоботларнинг асосий мазмуни ўзбек тилида ёритилиб борилмоқда. Ҳозир бу ерда гидрогеология ва инженерлик геологияси атамаларининг қисқача русча-ўзбекча луғати устида иш олиб борилмоқда. Уни шу йилнинг биринчи чорагида нашриётга топшириш режалаштирилган.

Умуман айтганда, ҳар биримиз учун аллома Шерозийнинг:

«Ҳар ишдаким инсон,
кўрсатур ҳиммат
Тикан ҳам гулдаста
бўлур оқибат», —

деган мисралари шиор бўлмоғи керак. Ана шундагина кўзланган мақсадга тезроқ эришамиз.

Ғофиржон ҲАМИДОВ,
техника фанлари номзоди.

«ТИЛ»ДАН ҚИЙНАЛИБ, УНВОНСИЗ ҚОЛГАН ИХТИРОЧИ

ҲИКОЯМИЗ ҚАҲРАМОНИ — КОНИМЕХЛИК ҚАЮМ ҲАМРОЕВ.

— Камтарлик ҳам ҳамиша фойда бермас экан, ука, — деди у киши юмшоқкина оҳангда. — Айниқса, бу нарсани ёшинг улғайган сари яққол ҳис этаркансан киши. Борди-ю, мен ҳам ихтироларимни бошқалар сингари идорама-идора қўлтиқлаб чопганимда, ким билсин, балки ҳозир... Лекин ўзимиз профессор бўлмасак-да, бизнинг орқамиздан доктор бўлиб кетганлар ҳам бор,—дейди фахр билан.

У кишига батафсилроқ гапирсангиз, деган маънода савол назари билан тикиламан.

— 1974 йилларгача барча вилоятларда тут кўчатлари асосан қўл билан экиларди,— дейди бобо.—Ўша йили зора совхозимизнинг ишчиларига бироз енгиллик бўлса, деган ўйда ўрмон хўжалигида ишлатиладиган «ЛП-1» агрегатини тут кўчатларини экишга мослаштирдим. Илк бор бу мосламани ўзимизнинг Ҳ. Олимжон номли жамоа хўжалигида синовдан ўтказдик. Натижаси ёман бўлмади. Энг қувонарлиси, ўша агрегат ҳозирги кунда ҳам жумҳуриятимиз қишлоқ хўжалигида кенг қўлланилиб келинмоқда. Жамоа хўжалик кенгашидагилар эса бу ихтирони юксак баҳолаб, менга рационализаторлик гувоҳномасини беришди. Аммо кўп ўтмай худди ана шу агрегат хусусида совхозимизга тез-тез келиб-кетиб юрган олимларимиздан бири докторлик диссертациясини ёқлаганини эшитиб қолдим. Албатта, бундан ҳафа бўлганим йўқ. Бу гапларни ҳам шунчаки айтдим-қўйдим-да. Лекин, биласизми, ёшим бир жойга бориб қолганда мени нима ташвишлантиради?

— Нима?—дея сўрайман.

— Бундан 9 йил аввал Тошкент қишлоқ хўжалиги институтида «Республиканинг шўрли ерларида тутчиликни ривожлантириш» тўғрисида илмий иш қилгандим. Афсуски, ўшанда илмий кенгаш аъзоларининг аксарияти ўзга миллат вакиллари бўлганлиги туфайли «тил»дан қийналиб, илмий ишимнинг моҳиятини тушунтириб бера олмадим. Шундан сўнг улар ҳам «Овоз ололмадингиз кейинги йили келасиз», деб қайтариб юборишди.

Йигирма йиллик умримни сарфлаган илмий ишим ҳамон кимнингдир тортмасида чанг босиб ётганлигини эсласам юрагим ачишади. Ўзим эса шу пайтгача бола-чақа, рўзғор ташвишларидан ортиб, бу масала билан шуғуллана олмадим. Энди эса бир томондан қаричилик, иккинчи тарафдан йўл узоқ. Унинг устига, бир-икки кунда битадиган иш эмас. Мақтаниш эмасу, лекин шу илмий ишим билан қизиқиб, амалда жорий этишимга ёрдам беришганида жумҳуриятимиз ипакчилиги яна бир мунча ривожланган, қанчадан-қанча шўрхок ерлар эса бекордан-бекорга туз босиб ётмаган бўларди..

Тошкент давлат аграр университетининг ипакчилик ва тутчилик кафедрасининг мудири Номоз Аҳмедов буни шундай изоҳлайди:

— Ҳақиқатан ҳам Қаюм ака ёқлаган илмий иш жумҳуриятимиз аҳамиятига молик янгилик. Чунки шахсан ўзим илмий кенгаш аъзоси сифатида бунга тўлиқ амин бўлганман. Лекин илмий ишлар ўша пайтда асосан рус тилида бўлганлиги учун у киши илмий кенгаш саволларига жавоб бераолмади. Буни тушундик. Аммо бизнинг ҳам бошқа иложимиз йўқ эди. Сабаб — ёқланган диссертация, Москвадан — ВАКнинг қўлидан ўтарди. Ҳозир ҳам бу илмий ишни ўзбек тилида ёқлайман деса кеч эмас. Бунинг учун биз у кишига қўлимиздан келган ёрдамимизни аямаймиз...

Қаюм аканинг асли касблари — агрономлик. 1962 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини тугаллагач, Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг «Тутчилик ва ипакчилик» факультети аспирантурасига кириб ўқиди. Шундан сўнг пахтачилик бригадаси бошлиғи, кейинчалик эса агроном каби бир қанча вазифаларда ишлади. Уч ўғил, икки қизи ва 15 нафар невараси бор. Фарзандлари ўзларидан тинибтинчиб кетишган. Кенжа ўғли Марат эса ота касбини давом эттираяпти.

Ихтирочининг ўзи эса айни дамларда чафақа ёшида бўлса-да, тиним билмайди. Бундан беш йил бурун ўзлари истиқомат қилаётган жамоа хўжалиги томонидан ажратиб берилган ярим гектарлик тажриба майдонида айрим тут навларини чанглатиш йўли билан 1990 йили «Конимех» навини яратди. Бу янги навнинг аввалгиларидан афзаллик томони шундаки, уруғдан қўкартирилган кўчатга нисбатан икки йил олдин ҳосил беради. Негаки, у серҳосил, барги касалликка чидамли навларни чанглатиш орқали тайёрланади. Ўзга навли тут новдаларининг ҳар 30 сантиметрлик қисмида 3—4 тадан куртак бўлса, «Конимех-1» навида эса 30—40 тагача учратиш мумкин. Бу эса ўз навбатида мазкур турда экилган плантацияларнинг ҳар гектаридан 12—14 тоннагача ҳосил йиғиб олиш имконини беради.

Ота-бола Ҳамроевлар яратган ушбу нав устида олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатадики, пиллачилик билан шуғулланувчи жамоа хўжаликларининг ипак қурти боқиш жараёнида тут баргига бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қоплай оларкан.

— Мазкур навни ихтиро деб тан олинишини сўраб талабнома ёзган эдим, — дейди Қаюм ака. — Натижада янги нав Бухоро ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти вилоят кенгаши томонидан расмийлаштирилиб, республика патент идораси томонидан тўлиқ тасдиқдан ўтказилди ва ихтиро деб тан олинди. Дунёдаги ҳеч бир мамлакатда бунақанги серҳосил нав

йўқ эканлиги ҳам очиқ эътироф этилди...

Аммо жамият вилоят кенгаши бобонинг ушбу ихтиросига берилган ҳужжатларни расмийлаштиришга ёрдам берганлигини рўкач қилиб, берилган патентга ўзлари эга бўлиб олишибди.

Масалага аниқлик киритиш мақсадида республика патент идорасининг бўлим бошлиғи Матлуба Ибрагимовага мурожаат этдим.

— Ихтирога берилган патентга жамият вилоят кенгашининг эга бўлганлиги рост. Чунки муаллиф билан кенгаш ўртасида шартнома тузилган бўлиб, уюшма муаллифнинг ихтиросини тарғиб қилиш ва амалда қўллашга ёрдам беради. Мабодо кенгаш ихтирога берилган лицензияни сотгудек бўлса, тушадиган фойданинг камида 20 фоизи муаллифга тўланиб турилади. Аммо шу нарсани таъкидламоқчиманки, шартнома муаллифлик ҳуқуқини бекор қилолмайди. Шунинг учун ҳам биз ушбу ихтиронинг муаллифлари — ота-бола Ҳамроевлар эканлигини қайд этган ҳолда, 9-рақамли Республика Миллий патентини вилоят кенгаши номига расмийлаштиришга қарор қилдик, — дея жавоб берди у киши.

Матлуба опанинг ушбу гапларидан сўнг, бизни қийнаётган юқоридаги саволларга бироз бўлса-да, жавоб топгандек бўлдик.

Дарҳақиқат, мустақил жумҳуриятимиз ҳуқуқий жамият сари дадил қадамлар ташлаётган экан, демак Қаюм бобога ўхшаш ишнинг кўзини биладиган қўли қадоқ, деҳқонларимизнинг халқимиз фаровонлиги йўлида қилаётган эзгу ишларини ҳеч қачон эътибордан соқит қилмаслигимиз лозим.

Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БУХОРО ЯНГИЛИКЛАРИ

ХАЙРЛИ ИШ

БУХОРО мотор таъмирлаш заводида 23 хил халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Техникага қайта умр бағишлайдиган корхонада бундай ишни йўлга қўйиш осон кўчгани йўқ. Бу хайрли иш туфайли олдин мавжуд бўлган ишчи ўринларининг тўла сақлаб қолиниши жамоанинг ютуғи бўлди.

«ТОМОРҚАЧИ» НИМА ИШ ҚИЛАДИ?

БУХОРО туманида «Томорқачи» кичик корхонаси ташкил этилди.

ВИЛОЯТ шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгалари уюшмаси қошида иш юритаётган бу кичик корхона фермерлар ва қишлоқ аҳли томорқаларини лойиҳалаштириш, уларни хусусийлаштиришга ҳам ёрдамлашади. Деҳқон даласидаги экинлар табиий офатдан зарар кўрган тақдирда зиён ўрни давлат томонидан қопланади.

МУЛКЧИЛИКНИНГ ШУНИСИ МАЪҚУЛГА ЎХШАЙДИ

ПЕШКУ туманидаги маҳаллий саноат комбинати жамоаси корхонани давлат тасарруфидан чиқариб ўз ихтиёрига олди.

ҲОЗИРГА қадар вилоятда маҳаллий саноат, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, давлат савдоси ва умумий овқатланиш корхоналарининг 15 га яқини хусусий мулкчилик шаклига ўтди.

ХЎЖАЛИКДА ПЛАСТМАССА ЗАВОДИ

ЖОНДОР туманидаги Ҳамза номли жамоа хўжалигида пластмасса заводи қурилаяпти.

6,5 миллион сўмга лойиҳалаштирилган корхона биноси битди. Ҳозир асбоб-ускуналар ўрнатилмоқда. Унинг маҳсулотига талабгорлар бисёр. Қолаверса, завод худди шу ҳудудда қурилаётган Бухоро ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси филиалини турли анжомлар билан таъминлайди. Бундан ташқари уй-рўзғор учун зарур бўлган товарлар ишлаб чиқаради.

М. ОТАБОЙ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СПОРТ МАЙДОНЛАРИДА

МИЛЛИЙ КУРАШ

9—11 АПРЕЛЬ кунлари Гулистон шаҳрида миллий курашнинг фарғонача усули бўйича республика биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Тошкент, Фарғона, Андижон, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳри полвонлари куч синашдилар.

Қизғин ўтган беллашувларда умум жамоа ҳисобида Фарғона вилояти полвонлари фахрли биринчи ўринни эгалладилар. Иккинчи ва учинчи ўринлар Сирдарё вилояти ва Тошкент шаҳри полвонларига насиб этди.

Фарғоналик А. Мамаюсупов, М. Эгамбердив, В. Мадраҳимов, сирдарёлик Ж. Холназаров, О. Каримов, тошкентлик Б. Маҳмудов, У. Омонов, У. Маматовлар ўз вазнларида ғолиб чиқдилар.

Энг оғир вазнлилар беллашувида эса омад Ф. Болтабоев ва А. Тўрақуловларга қулиб боқди.

Ғолиблар Гулистон шаҳри ҳокимлиги ажратган пул мукофоти ҳамда республика жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотландилар.

Мусобақа ниҳоясида Ўзбекистон миллий кураш федерациясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда миллий курашнинг фарғонача усулини ривожлантириш хусусида фикр юритилди.

О. МИРЗАҚУЛОВА.

ЭРКИН КУРАШ

ЎСМИРЛАР ўртасида эркин кураш бўйича байналмилалчи жангчилар хотирасига бағишланган халқаро мусобақанинг ҳар йили Тошкентда ўтказилиши анъанага айланди. Бу йилги мусобақада Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон Ўзбекистондан қатнашган 190 спортчи турли вазнларда ғолиблик учун беллашдилар.

1977 — 78, 1979 — 80 йилларда туғилган полвонлар қатнашган бу мусобақада ҳамюртларимиздан Д. Мансуров, П. Ромадин, А. Акунов, Е. Ўрозалиевлар ўз вазнларида ғолиб чиқишди. Шунингдек, «Ғалабага бўлган ишончи», «Мухлислар олқишига сазовор бўлган курашчи» совринлари ҳам ҳамюртимиз Д. Мансуров ва П. Ромадинларга насиб этди. Мусобақадан тушган 14500 сўм маблағ Миробод районининг марҳум байналмилалчи жангчилар оилаларига ёрдам кўрсатиш жамғармасига ўтказилди. Бу мусобақа келаси йили ҳам ўтказилиши режалаштириляпти.

С. АБДУРАҲМОНОВ.

ФУТБОЛ

ЕШЛАР терма жамоалари ўртасида Австралия шаҳарларида бўлиб ўтаётган жаҳон чемпионатининг финал қисми ниҳоясига етди. Маълумки, саралаш мусобақаларида жаҳоннинг 166 мамлакати терма жамоалари иштирок этиб, шундан 16 кучли жамоа финалга йўлланма олган эди. Улар Австралияда дастлаб 4 гуруҳга бўлиниб ғолиблик учун кураш олиб бордилар. «А» гуруҳда Австралия ва Россия, «Б» гуруҳда Уругвай ва Гана, «С» гуруҳда Англия ва АҚШ, «Д» гуруҳда Бразилия ва Мексика футболчилари рақибларини ортда қолдириб навбатдаги босқичда курашни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритишди. Чорак финалда Гана футболчилари Россияни, Бразилия терма жамоаси АҚШни йирик ҳисобда (3:0) осонлик билан мағлуб этган бўлса, Австралия—Уругвай (1:1) ва Англия—Мексика (0:0) учрашувларининг асосий вақтида кучлар тенг келди. Мусобақа мезбонларига рақибларини енгиши учун ажратилган қўшимча вақт кифоя қилди. Англияликлар эса Мексика футболчиларини 11 метрли жарима тўпини аниқ бажариш эвазига енгдилар. Қизиғи шундаки, ярим финалга йўлланма олган тўрт терма жамоа тўрт минтақага мансуб эди. Бу кейинги пайтда футбол нафақат Европа ва Америка минтақаларида, балки бошқа қитъаларда ҳам тобора оммавийлашиб, ривожланаётганлигидан далолат беради. Ярим финалда Бразилия терма жамоаси мезбонларни (2:1), ганаликлар (Англияни 2:1) ҳисобида мағлуб этишди. Шундай қилиб, кўпгина футбол мутахассислари олдиндан башорат қилган икки кучли жамоа финалда куч синашди. Аввалига Гана футболчилари устунлик қилишди ва ҳисобни очишди. Аммо бразилияликлар тезда ўйинда бурилиш ясаб жавоб тўпини киритишга муваффақ бўлишди.

Ҳамма ўйинда қўшимча вақт белгиланса керак деб турган бир пайтда, бразилияликлар футболда курашни сўнгги лаҳзагача давом эттириш керак эканлигини намоён қилдилар. Ўйиннинг 89-дақиқасида улар томонидан киритилган тўп Бразилия ғалабасини таъминлади ва жаҳон чемпионлигини қўлга киритишди.

• • •

ФУТБОЛ бўйича Ўзбекистон II-миллий чемпионатининг I-табақасида навбатдаги тур учрашувлари ўтказилди. Ўтган йили мухлисларини ранжитган Термизнинг «Сурхон» жамоаси бу йилги мавсумни кўтаринки руҳда бошлаб, кетма-кет уч марта ғалаба қозонди. Турнир пешқадами бу турда Муборакнинг «Машъал» жамоаси меҳмони бўлди. Бу сафар омад «Сурхон» футболчиларидан юз ўгирди. Учрашувда муборакликлар 3:1 ҳисобида ғалаба қилишди. Термизликларнинг мағлубияти ўз майдонида «Сувчи»ни (4:0) ҳисобда енгган Наманганнинг «Атласчи» жамоасининг турнир жадвалида якка пешқадам бўлиб олишига имкон берди. «Атласчи» жамоаси тўрт ўйиннинг барчасида ғалаба қилиб, 8 очко билан биринчи ўринда бормоқда.

Р. ЖУМАЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги жамоаси вазирлик ҳайъатининг аъзоси, Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш институтининг директори, академик **Абдували Имомалиевич ИМОМАЛИЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига, қариндош-уруғларига ва яқин кишиларига чуқур ҳамдардлик билдиради ҳамда таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Президиуми, биология фанлари бўлими ва «Биолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоалари Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг академиги, биология фанлари доктори, профессор **Абдували ИМОМАЛИЕВ**нинг бевақт вафот этганлигини қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

Навбатчи муҳаррир — А. Суюнов, навбатчи — О. Раҳимов.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25. Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Миракмал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЕЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ, Сандаҳрор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй.

Таҳририятга ҳажми 7 қоғоздан ошган материаллар қабул қилинмайди. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 0001. Буюртма Г—184. 105466 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди: — 23.00

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6